2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 114 (1440), 2025 йил 6 июнь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни, барча мўмин-мусулмон юртдошларимизни, бутун халқимизни улуғ ва мўътабар айём — Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан ғоят мамнунман.

Жамики ислом уммати учун қадрли бўлган ушбу шукуҳли байрам — Ийд ал-Адҳони эл-юртимиз билан биргаликда тинч ва осойишта муҳитда кутиб олаётганимиз учун, аввало, меҳрибон ва қудратли Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар айтамиз.

Ҳеч шубҳасиз, кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда ижтимоий, халқчил давлат барпо этиш, унинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш ва таъсирчанлигини оширишда муқаддас ислом дини, унинг асосий байрамларидан бири бўлган Қурбон ҳайити ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Айниқса, бу байрамнинг инсонпарварлик, аҳиллик, саховат ва олижаноблик каби фазилатлари юртимизда **“Инсон қадри учун, инсон бахти учун”** деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, кексалар, ёшлар ва хотин-қизлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурларимиз самарасини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Азиз дўстлар! Бугунги кунда мамлакатимизда турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, виждон эркинлигини таъминлаш, диний-маърифий меросимизни асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, ислом динининг эзгу тамойилларини чуқур ўрганиш, буюк тарихимиз ва маданиятимиз дурдоналарини, машҳур алломаларимизнинг бой меросини тўплаш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, кўҳна Шарқ мўъжизаси — Самарқанд шаҳри 2025 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинди, улуғ ватандошимиз Имом Мотуридийнинг 1155 йиллик таваллуд санаси юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари қаторига шу йил Бухоро шаҳрида ўз фаолиятини бошлайдиган Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази ҳам қўшилди.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси маркази илмий-маънавий йўналишдаги улкан ва ноёб лойиҳа сифатида эл-юртимиз ва халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу муаззам маскан кўп минг йиллик қадимий тарихимиз, бой ва бетакрор миллий маданиятимизнинг ёрқин тимсоли сифатида Янги Ўзбекистон ҳаётидаги ғоят муҳим воқеага айланади, деб ишонаман.

Ҳурматли юртдошлар!

Шу саодатли кунларда 15 минг нафар ватандошимиз муқаддас ҳаж зиёратини адо этмоқда. Эзгу дуо ва ниятлар ижобат бўладиган мана шундай мунаввар лаҳзаларда уларни ҳам Қурбон ҳайити билан самимий қутлаб, Яратгандан юртимизга соғ-омон қайтиб келишларини сўраймиз.

Умид қиламизки, муҳтарам ҳожиларимиз жамиятимизда бирдамлик, оила ва маҳаллаларимизда меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларимиз тарбиясини кучайтириш, уларни илм-маърифатга, замонавий касб-ҳунарларни эгаллашга, Ватан ҳимоячиси бўлишга тарғиб этиш, муҳтож инсонларга кўмак беришда алоҳида ибрат ва намуна кўрсатадилар.

Қалбларимиз қувончга тўлган ушбу файзли кунларда хорижий давлатларда бўлиб турган ватандошларимизни ҳам бугунги улуғ айём билан чин дилдан қутлаб, уларга соғлик-омонлик, бахт ва омад тилаймиз.

Жаҳоннинг узоқ-яқин ўлкаларидаги мусулмон умматини ҳам қизғин табриклаб, уларнинг халқлари ва мамлакатларига тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаб қоламиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Ҳозирги кунда дунё нақадар мураккаб ва таҳликали бўлиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз. Бундай кескин шароитда юртимизда тинчлик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик муҳитини сақлаб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб кўзлаган юксак мақсадларимизга ета оламиз.

Албатта, ўз тарихида не-не синов ва машаққатлардан муносиб ўтган мард ва олижаноб халқимиз бунга ҳар томонлама қодир.

Бу йўлда эл-юртимизга мансуб меҳр-оқибат, ўзаро бирлик ва жипслик биз учун беқиёс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман.

Сиз, азизларни муқаддас Қурбон ҳайити билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Қутлуғ айём барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён 5 июнь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда бир-бирини ва дўст халқларимизни муқаддас Қурбон ҳайити — Ийд ал-Адҳо билан самимий қутлаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар даражасидаги фаол мулоқот ва алмашинувлар мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва юк ташиш кўрсаткичлари, қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда.

Жорий йил май ойида Теҳрон шаҳрида Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши, бизнес форуми ва саноат кўргазмаси ўтказилди. Ҳамкорлик бўйича 2025-2027 йилларга мўлжалланган “йўл харита”си қабул қилинди.

Савдо, инвестиция, транспорт ва логистика, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кооперация лойиҳаларини илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Эрон етакчилари минтақавий кун тартиби ҳамда бўлажак тадбирлар режаси юзасидан фикр алмашдилар.

ЎзА

Янги Ўзбекистон бунёдкори

ИНСОН ҚАДРИ, УНИНГ ИШОНЧИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙДЕВОРИ

Биз янги Ўзбекистонда ҳар бир инсоннинг қадри, ор-номуси, шаъни ва ҳуқуқлари энг олий қадрият бўлади, деб бундан олдин ҳам айтганмиз. Бундан кейин ҳам бу шиор ҳаётимиз мезони бўлади.

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ишонч — янги давлат ва жамият муносабатининг асоси

Ишонч инсон қалбида, аввало, юрак ва тафаккур уйғониши орқали шаклланадиган муқаддас туйғудир. Бу туйғу ҳис-ҳаяжонлар билан эмас, ижтимоий адолат билан тўлдирилади. У дунёқарашнинг энг олий кўриниши, халқ ва давлат ўртасида қадр, ихлос, вожиб деб билган юкни елкада бирга кўтариш руҳида барпо этиладиган юрак кўпригидир. Ушбу кўприк қачонки холис ният, сидқидилдан хизмат ва эл билан бағрикенглик асосида қурилса, шундагина у миллатни элга айлантирадиган бунёдкор руҳнинг тимсолига айланади.

Қайси жамиятда ишонч мезони юксак бўлса, ўша жамиятда тараққиётнинг нафаси ҳам тиниқ, халққа етиб борган ҳар бир ислоҳотнинг шукуҳи ҳам бардавом, эл юрагидаги дуо бутун бир юртни нурга чўмдиради. Шу боис, ҳар қандай улкан ўзгариш ва ислоҳотларга қадам ташлашда ишонч мезони биринчи ўринга қўйилади. Чунки ишонч бўлган юртда юзларда шодлик, кўзларда порлоқлик, сўзларда дуо, қалбларда эса буюк мақсадлар яшайди.

Давоми 3-бетда

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Аввало, сиз, азизларни Осиёнинг энг кучли жамоалари иштирок этган саралаш ўйинларида чинакам жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, том маънода улкан ғалабага эришганингиз — Ватанимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, миллий спортимиз солномасига олтин ҳарфлар билан битиладиган бундай ёрқин натижа юртимиздаги миллионлаб футбол мухлислари, бутун халқимизнинг неча йиллик орзуси эди, десак, тўғри бўлади. Сизлар профессионал билим ва малакангиз, тажриба ва маҳоратингиз, энг муҳими, юксак иродангиз ва ғалабага бўлган ишончингиз билан ана шундай орзуни реал ҳақиқатга айлантирганингиз ҳар қандай таҳсин ва тасаннога муносибдир.

Мана шу мунаввар оқшомда — қутлуғ зафар айёмида кўпмиллатли бутун Ўзбекистон халқи сизлар билан ҳақли равишда фахрланмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Саралаш ўйинлари нақадар кучли рақобат остида, кескин ва шиддатли курашларда ўтгани, терма жамоамизга нисбатан турли босимлар бўлганига қарамасдан, сизлар зарур очколарни жамғариб, азму шижоатли Янги Ўзбекистон ёшлари қандай юксак марраларни эгаллашга қодир эканини яна бир бор амалда исботладингиз.

Сизларнинг ана шундай ғоят масъулиятли турнирдаги муносиб иштирокингиз кейинги йилларда мамлакатимизда спортга, жумладан, унинг энг оммавий тури бўлган футболга берилаётган улкан эътиборнинг яна бир буюк амалий натижаси сифатида ҳам биз учун ғоят қадрлидир.

Аминман, бу тарихий ютуқ халқимизни эзгу мақсадлар йўлида янада бирлаштиради, минг-минглаб ёшларимиз учун илҳом манбаига, ибрат тимсолига айланади, Янги Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади.

Сизлар футбол майдонларидаги мана шундай шонли ютуқдан янги куч ва руҳ олиб, келгуси йили АҚШ, Мексика ва Канада давлатларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг биринчи ва ягона вакили бўлишдек юксак шарафни чуқур ҳис этган ҳолда, янада катта жонбозлик кўрсатасизлар, деб ишонаман.

Мана шу шукуҳли айёмда сизларни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган меҳрибон ва талабчан устоз-мураббийларингиз, миллий терма жамоамизнинг барча аъзоларини, сизларга бахт ва омад тилаб, кечаю кундуз дуода бўлиб келган ота-оналарингиз, ака-ука, опа-сингил ва яқинларингизни ўз номимдан, бутун халқимиз номидан қизғин табриклаб, уларга самимий миннатдорлигимни билдираман.

Сизлар муқаддас Қурбон ҳайити кунларида халқимизга байрам совғаси сифатида олиб келаётган ушбу унутилмас тарихий ғалаба барчамизга муборак бўлсин!

Зафарли одимларингиз бардавом бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕК ЎҒЛОНЛАРИН КУТИБ ОЛ, ЖАҲОН!

Буюк ғалаба



Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси БАА билан кечган муросасиз баҳсдан сўнг ўттиз йилдан ортиқ орзиқиб кутилган натижа — футбол бўйича жаҳон чемпионати йўлланмасини муддатидан олдин қўлга киритди!







ЭЗГУЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ БАЙРАМИ

Аввало, барча юртдошларимизни хурсандчилик айёми — Қурбон ҳайити байрами билан самимий муборакбод этаман!

Мамлакатимизда Қурбон ҳайити нафақат диний, балки умуммиллий байрам сифатида ҳам кенг нишонланади. Зеро, ушбу кунда юртдошларимиз бир-бирини ҳайит билан самимий табриклаб, ўзаро совғалар улашади, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, хайрия ишлари амалга оширилади.

Шу маънода, ушбу қутлуғ байрам **инсонпарварлик ва бағрикенглик** рамзи бўлиш билан бирга инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-муҳаббат ва ҳамжиҳатлик каби фазилатларни ҳам ўзида мужассам этади.

Давоми 2-бетда

Шукуҳ

ЭЗГУЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ БАЙРАМИ



Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Бошланиши 1-бетда

Юртимизда ҳайит байрамини муносиб кутиб олиш ва ўтказиш, шунингдек, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, халқимизнинг кўп асрлик анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун барча зарур тайёргарликлар кўрилади, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида том маънода байрам шукуҳи ҳукм суради.

Кези келганда юртимизда “Инсон қадри учун” деган улуғвор ғоя асосида барча соҳалар қатори диний-маърифий жабҳада ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилаётгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилиб, соҳа фаолияти самарадорлиги янги босқичга чиқарилаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан охирги йилларда юртимизнинг ҳар бир гўшасидаги улкан бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази биноси қурилиши якунига етиб бормоқда, Самарқандда Имом Бухорий мажмуаси қад ростламоқда.

Яқинда Президентимиз ушбу мажмуага ташриф буюриб, у ердаги бунёдкорлик ишлари билан танишди, зарур кўрсатмалар берди. Зеро, бу давлатимиз раҳбарининг **узоқни кўра билиши, улуғ аждодларга юксак эҳтиромининг ёрқин ифодасидир**.

Эътиборга сазовор жиҳатлардан яна бири шуки, Президентимиз қўнғироқ қилиб, ҳожиларимиз учун яратилган шарт-шароитлар, уларнинг саломатлиги ва кайфияти ҳақида сўради. Бундан ҳожиларимиз беҳад мамнун бўлди, эътибор ва эҳтиромдан хурсанд бўлган зиёратчиларимиз кўзларида ёш билан дуо қилди.

Арафот майдонида, дуолар мустажоб бўладиган айни онларда Президентимизнинг Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригини катта ҳаяжон билан эшитдик. Яратгандан юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик сўраб дуолар қилдик.

Айниқса, табрикда ҳожиларимиз алоҳида эслаб ўтилгани зиёратчиларимизни чексиз қувонтирди.

Барча юртдошларимиз қатори ҳожиларимиз ҳам ушбу табрикдаги олижаноб ғоя ва ташаббусларга бефарқ эмаслигини изҳор қилди.

Табрикдаги **“Инсон қадри учун, инсон бахти учун!”** деган олижаноб ғоя барча жабҳалардаги ислоҳотларнинг асоси эканини алоҳида эътироф этиш ва ҳожиларимизнинг ташаббуслари ҳам ушбу ғояга ҳамоҳанг эканини қайд этиш лозим.

Бу Арафот майдонида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳожиларимизнинг мурожаатида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, мазкур мурожаатда ҳожиларимиз юртга қайтгач, “**Янги Ўзбекистоннинг тинчлик ва маънавият тарғиботчилари**” деган эзгу ташаббусни бир овоздан илгари суриб, **Учинчи Ренессанс яратувчиларини тарбиялашда Президентимизга** кўмакчи бўламиз деб ваъда берди.

Шунингдек, Ватанимиз тараққиётига холис хизмат қилиш, маҳаллаларда тинчлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, халқимизни маънан юксалтириш, жамиятдаги ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш кабиларни тарғиб этиш борасида фаол бўлиш айтиб ўтилди.



Ўз навбатида, ҳожиларимиз китобхонлик маданиятини юксалтириш, илм-маърифатга ҳомийликда намуна бўлиш, тўйлар, оилавий тадбирлар ва маросимларда меъёрга амал қилган ҳолда камхарж ва ихчам ўтказишда бош-қош бўлиш, маҳаллалардаги нотинч оилалар, шу жумладан, тарбиясида муаммоси бор ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳудудлардаги мактабларнинг таълимга муҳтож қисмини жорий таъмирлаш ишларига кўмаклашиш, хайрия, меҳр-мурувват ва ёрдам кўрсатиш ишларини кўпайтириш каби ташаббусларни **қатъий амалга оширишга** аҳд қилди.

Азиз юртдошлар! Шубҳасиз, ушбу шукуҳли кунлар том маънода барчамиз учун катта байрам, хурсандчилик онларидир. Мўътабар манбаларда саодатли дамларни шоду хуррамлик билан ўтказиш бўйича кўп тавсиялар келган. Уламоларимиз: **“Ҳайит кунлари шодликни изҳор қилиш диннинг шиорларидан”**, дейишади. Демак, Қурбон ҳайити кунларида қувончимизни, саховатимизни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ намоён қилишимиз зарур. Айниқса, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатишга шошилишимиз лозим.

Ушбу фазилатли кунларда муборак манзилларда туриб, она Ватанимизга тинчлик-осойишталик, халқимизга янада фаровон ҳаёт, фарзандларимизга бахту саодат сўраб дуолар қилмоқдамиз!

Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!

ОТМга ҚАБУЛ БОШЛАНДИ

Орзиқиб кутилган ҳаяжонли кун келди. 5 июндан олий ва касбий таълим олиш истагидаги минглаб ёшлар учун муҳим бўлган қабул жараёнига старт берилди.

ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЖИҲАТЛАР

Рисолат ҲАЙИТҚУЛОВА, журналист

Кейинги йилларда олий таълим муассасалари сони ортиши, ўқишга қабул қилишнинг энг адолатли ва шаффоф тизими йўлга қўйилиши ёшларнинг олий маълумот олиш имкониятини кенгайтирди. Абитуриентларнинг ҳужжат топшириш тартиби содда-лаштирилди. Онлайн тартибда ҳужжат топшириш уларга ҳар жиҳатдан қулайлик туғдирмоқда.

Бундан ташқари, чекка ҳудудларда яшовчи ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларини ўқишга қабул қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари такомиллаштириляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 24 майдаги “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ёшларнинг сифатли таълим олиши учун шарт-шароитни яхшилаш мақсадини кўзда тутади. Фармонга биноан, жорий йилда ҳам бакалавриат таълим йўналишларига қабул жараёни икки босқичда — “аввал тест, сўнг танлов” тамойилига мувофиқ амалга оширилади.

Бу жараёнда абитуриентлар ўз танловига кўра тест синови натижасида тўпланган балидан келиб чиқиб, дастлаб олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишларига, сўнг профессионал таълим муассасаларига ўқишга кириш учун танловда иштирок этади.

Биринчи босқичда йигит-қизлар 5 июндан 25 июнга қадар (25 июнь куни ҳам) тест синови топшириш учун my.uzbmb.uz сайтида онлайн рўйхатдан ўтади. Дастлаб абитуриентлар фақат тест синовида иштирок этса, фанлар мажмуаси, таълим тили, тест топшириш ҳудуди ҳамда кириш имтиҳонлари таркибида касбий (ижодий) имтиҳон бўлса, ушбу имтиҳонни топширадиган давлат ОТМни танлайди.

— Жорий йилдаги ўзгаришлардан бири фанлар мажмуасида чет тили биринчи фан сифатида белгиланган таълим йўналишларига қабул хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификат асосида амалга оширилишидир, — дейди Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бошқармаси бошлиғи Ҳабибулла Нуралиев. — Бу йилдан бошлаб чет тили фанидан B2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки халқаро сертификати бор абитуриентларгина биринчи фани чет тили бўлган йўналишларга ҳужжат топшира олади.

Мутахассиснинг таъкидлашича, абитуриент алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бўйича касбий/ижодий имтиҳонларда иштирок этса, таълим тили, тест топшириш ҳудуди, алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналиши, касбий (ижодий) имтиҳон топшириладиган олийгоҳни танлаши керак.

Биринчи босқичда фақат фанлар мажмуаси аниқланади. Лекин биринчи босқичнинг ўзи танлов учун етарли эмас.

Олийгоҳларга кириш имтиҳони июль-август ойларида ўтказилади.

Иккинчи босқичда абитуриентлар кириш имтиҳони тўлиқ якунланганидан сўнг 15 кун давомида my.uzbmb.uz сайти орқали олий таълим муассасаси, бакалавриат таълим йўналиши, таълим шакли, танлов устуворлигини танлайди. Бу бўйича якуний хулосага келмаганлар якуний танловга қўйилмайди.

Абитуриент тест синовида тўплаган балларини имтиҳон ўтказилган куннинг эртасига билиши мумкин. Унинг талабаликка тавсия этилган ёки этилмагани қабул жараёнининг иккинчи босқичи тўлиқ якунланганидан кейин бир ҳафта муддатда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Профессионал таълим муассасаларида ўқиш истагини билдирганлар профессионал таълим муассасаси, касб ва мутахассисликни ҳамда таълим шаклини қабулнинг якуний натижаси эълон қилинганидан сўнг 10 кун ичида танлайди. Натижалар эса бир ҳафта муддатда Билимни баҳолаш агентлигининг расмий веб-сайтида маълум қилинади.

Абитуриентлар ва ота-оналарига қулайлик яратиш мақсадида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда барча олий таълим муассасаларида “Қабул-2025” штаби фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, юртдошларимиз вазирликнинг 1006 ва агентликнинг 1195 ишонч телефон рақами орқали ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиши мумкин.

ЎЗБЕК ЎҒЛОНЛАРИН КУТИБ ОЛ, ЖАҲОН!

Буюк ғалаба

Бошланиши 1-бетда

Ўзбек футболи тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилажак ушбу муҳим воқелик — жаҳон чемпионати йўлланмасини тақдим этган мазкур баҳс тафсилотларига ортиқча тўхталиб ўтиришга зарурат йўқ, назаримда. Бинобарин, Абу-Даби шаҳридаги “Ол Наҳаён” стадионида мезбонлар билан кечган “ҳаёт-мамот жанги”ни 38 миллион нуфуслик юртдошларимизнинг аксарияти зўр иштиёқ, беҳад ҳаяжон, ватанпарварлик руҳи ила тўғридан тўғри томоша қилди. Энг асосийси, терма жамоамиз аъзолари юксак маҳорат, қаҳрамонлик кўрсатиб, кейинги йилларда миллий футбол тизимини соғломлаштириш ва замон талабларига мослаштириш борасида кечаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда бутун халқимиз кутган натижани тақдим этди.

Қитъамизнинг ўзига хос икки гранд жамоаси қарама-қаршилигини кузатган, ҳеч бўлмаганда унга доир хабарни эшитган юртдошимиз борки, эти жунжикди, нафаси тиқилиб, ўттиз йиллик армонга айланиб бораётган умиди кўзларидан томчи ёш бўлиб сизиб чиқди. Ёшу қари, аёлу эркак, футболга қизиқадими-йўқми, аҳамиятсиз, нигоҳларида қувонч, тилида шукроналик сўзлари айланмоқда. Чунки бу ғалаба биргина футболчилар ёки миллионлар ўйини мухлисларининг эмас, балки бутун Ўзбекистон халқи, давлат ва жамиятимизнинг улкан ютуғидир. Инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун замин яратиш, жамиятда аҳиллик, ҳамжиҳатлик, жамоавийликни мустаҳкамлаш йўлидаги ислоҳотлар самарасидир.

Президентимизнинг ушбу тарихий натижа муносабати билан футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ва бутун халқимизга йўллаган табригида қайд этилганидек, **миллий спортимиз солномасига олтин ҳарфлар билан битиладиган бундай ёрқин натижа юртимиздаги миллионлаб футбол мухлислари, бутун халқимизнинг неча йиллик орзуси эди, десак, тўғри бўлади. Сизлар профессионал билим ва малакангиз, тажриба ва маҳоратингиз, энг муҳими, юксак иродангиз ва ғалабага бўлган ишончингиз билан ана шундай орзуни реал ҳақиқатга айлантирганингиз ҳар қандай таҳсин ва тасаннога муносибдир.**

Ҳа, йигитларимиз чиндан ҳам зўр жасорат, миллий генофондимизга хос қаҳрамонлик кўрсатди.

Ярим тун, одатда бу пайтда таҳририятимизда газетанинг навбатдаги сонини чоп этиш бўйича тайёргарлик ишларининг якуний босқичи кечади. Газетани чоп этиш ва ўқувчиларга етказиш билан боғлиқ жараённинг ҳар бир дақиқаси ҳисоб-китобли бўлгани учун ҳам бу пайтда барча масъуллар ишларни имкон қадар тезроқ тугатишга шошади. Лекин бугун ундай эмас, таҳририятда бутун юртимиз, ҳар бир шаҳар, қишлоқ, хонадонда бўлгани каби катта хурсандчилик.

Мана шундай унутилмас байрам оқшоми, миллий терма жамоамизнинг тарихий натижаси юракларимизга сиғмас даражада фахру ифтихор, қувонч улашаётган бир лаҳзада мазкур ғалабанинг ижтимоий-маънавий аҳамияти, жаҳон чемпионати йўлланмасигача босиб ўтилган йўлга бир қур назар солишни лозим топдик.

Осиё қитъасида ўзбек футболининг ўз ўрни бор. Айниқса, кейинги йилларда кўпчилик, ҳатто энг кучли дея эътироф этилувчи жамоалар ҳам турли мусобақаларда Ўзбекистон билан бир гуруҳдан ўрин олишни хоҳламаслиги шундан далолат. Лекин қанчалик кучли бўлмайлик, назаримда, футбол тизимимизда яқин-яқингача шундай жиддий хато ва камчиликлар бор эдики, бу футболчиларимизнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қиларди. Ўша кемтик ҳар сафар жаҳон чемпионати йўлланмаси учун саралаш баҳслари ҳал қилувчи палласида панд берарди. “Бир баҳя қолди”, дея овутардик ўзимизни.

Юртдошларимиз орасида машҳур қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг “Битта-битта “мороженое” еб қайтиб келса ҳам майли эди”, деган сўзлари, атоқли адиб Тоҳир Маликнинг танқидларини эшитмаган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Турли соҳа машҳурларининг футбол бўйича терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатига чиқиш орзусига оид гап-сўзлари касби, қизиқишларидан қатъи назар, бутун халқнинг қалбига аччиқ, истеҳзоли кулги бўлиб муҳрланди.

Бугун Ўзбекистонда катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Халқимизнинг ўй-фикри, дунёқараши ўсиб, турмуш тарзи, ҳаёти чин маънода фаровонлашди. Бу исбот талаб қилмайдиган факт. Лекин юртдошларимиз хаёлининг бир учида нимадир етишмаётгандек бўлиб турарди. “Абдуллажон” фильмидаги раис “План бўлса бажарилди, ойликлар ошди, ҳамма нарса бор, лекин бахт йўқ. Кетмоним учмайди”, дея айтганидек, қалбимизда кичкина бир тушкунлик бор эди. Бугун ўша кун халқимизнинг “кетмони учган” сана сифатида тарих зарварақларига битилади.

Илк бор “Абдуллажон” киносида ишлатилган “кетмони учмайди” ибораси бугунги сўзлашувда ўз маъносини йўқотиб улгурган. Ҳозир бу ибора “омади келмаган”, “муваффақият қозонмаган” инсонларга бериладиган бир нисбат. Шу маънода, футбол бўйича жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритиш орзуси ҳам юртдошларимиз орасида асл маъносидан йироқлашиб, тараққиёт, дунё мамлакатларига тенглашиш сифатида қабул қилинади.

Қай бир маънода бу мантиқда ҳам жон бор. Боиси, Ўзбекистонда футбол ўйини алоҳида ривожланмади, бутун спорт соҳаси, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маданий соҳалар билан муштарак ҳолда тараққий этмоқда. 2017 йилда турли жабҳаларда бошланган ортга қайтмас ислоҳотлар, ҳаётий ташаббуслар асосида кечаётган янгиланиш ва ўзгаришлар бугунга келиб ўзининг илк куртакларини ёймоқда. Бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистон сари аниқ белгилаб олган йўлимиздан адашмай, дадил қадамлар билан шаҳдам боряпмиз.

Ушбу ислоҳотларни қўлингга дўмбира олиб, достон қилиб куйласанг арзийди. Чунки халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлмиш достонлар миллатлар, халқларнинг дарду ташвиши, бошдан ўтказган синовлари, муроди ҳосилини энг яхши тасвирлаб берадиган бадиий сўз санъати маҳсулидир. Йиллар давомида достон қаҳрамонлари биргина шахс эмас, бутун бир халқнинг қусури ва фазилатларини ўзида намоён этади. Шу маънода, халқимиз турмуши йил сайин юксалиб боришини, турли соҳалардаги ислоҳотларни бир достонга менгзаш мумкин.

Ўзбекистон футболи ҳақида сўз кетганда, мутахассислар ва ёши улуғ футбол мухлислари мустақилликнинг илк йиллари, яна ҳам аниқроқ айтганда, 1994 йил Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинлари финалини эсга олади. Ўшанда мустақил юрт сифатида илк бор ушбу мусобақада қатнашган Ўзбекистон Хитой устидан ғалаба қозониб, турнирнинг мутлақ ғолибига айланганди. Эътиборлиси, илк иштирокидаёқ тенгсиз топилган.

Футбол шарҳловчиси Хайрулла Ҳамидов айтганидек, буни кўрган ўзбек футбол мухлислари қалбида учқун, рақибларимизда эса терма жамоамиздан қўрқув ҳисси пайдо бўлганди. Аммо кейин терма жамоамиз бундай ютуққа эриша олмади. Худди достонлар тўй тасвири ёки қаҳрамонларнинг дунёга келиши каби қувончли воқеликдан бошланиб, кейин муаммо ва синовларга учраганидек, йиллар давомида халқимиз турли муаммоли вазиятлар ва синовларни бошдан кечирди.

18 йилдан сўнг, 2012 йили Ўзбекистон футболчилари ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони бўлди, аммо бу ютуқлар узвий равишда давом этмади, бир йил юқори натижа қайд этилган бўлса, кейинги йил яна “эски ҳаммом, эски тос” эди. Албатта, бу йилларда Миржалол Қосимов, Равшан Эрматов каби соҳа фидойилари катта ютуқларга эришди, бироқ терма жамоа сифатида бирор айтарли натижа кўрсата олмадик. Бунга тизимда давомли ислоҳотлар олиб борилмагани, болалар футболи эътиборсиз қолдирилгани, тармоқ коррупция ботқоғига ботиб қолгани сабаб бўлди. Эришилган ютуқлар ҳам яратилган тўғри тизим ҳосиласи эмас, бир неча кишининг иқтидори, фидойи меҳнатининг самараси эди, холос.



2017 йилда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар сингари футболимизда ҳам янги бир давр бошланди. Фақат шу пайтга келибгина футболга алоҳида эътибор қаратилди. Халқ фикри, ўй-хаёли, дарду ташвишини теран англаган Президентимиз “Футбол Ўзбекистонда энг севимли спорт тури”, “футбол оилавий дўстимиз”, дея оммавий спорт турлари, хусусан, футболни оммалаштириш ва тараққий эттириш бўйича тизимли ислоҳотларни бошлади.

Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 4 декабрда “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2022 йил 11 апрелда “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, улар асосида йўлга қўйилган янги тизимлар, замон талаблари асосида яратилган инфратузилма ва албатта, футболчилар, соҳа мутахассисларини тайёрлашдан тортиб, уларни профессионал фаолиятга жалб этишгача бўлган жараёндаги шаффофлик, моддий рағбат чоралари ўзбек футболи ривожини янги босқичга кўтарди.

Буни билиш учун юртимиздаги исталган маҳаллага бир қур назар солишнинг ўзи кифоя. Маҳаллаларда, албатта, замонавий, барча шароитларга эга мўъжаз стадионлар болалар футбол ўйинаётганига кўзингиз тушади. Бугун юртдошларимизда ҳамкасблари, курсдош-синфдош дўстлари билан ҳафтада бир марта бўлса ҳам футбол ўйнаш одати шаклланди. Қизиқчимизнинг “Ўзбеклар ёшлигида ҳам, кексайганида ҳам чойхонадан бери келмайди” мазмунидаги сатираси, танқиди бугунга тўғри келмайди. Боиси, вазият ўзгарди, одамлар жамоа бўлиб футболга боряпти, спорт билан шуғулланяпти.

Ислоҳотлар нафақат футболни оммалаштиряпти, балки халқаро майдонларда ютуқларимиз давомли бўлишини таъминлаяпти. Хусусан, 2018 йили U23 Осиё кубогида терма жамоамиз ғалабаси янги даврдаги илк ютуқ эди. Сўнгра 2023 йил мамлакатимиз мезбонлигида ўтган Осиё кубоги U23 турнири финалида футболчиларимиз ғалаба қозониб, қитъа чемпионига айланди. Албатта, бу ғалабани қўлга киритишда давлатимиз раҳбари ҳамда миллионлаб юртдошларимизнинг стадионнинг ўзида қўллаб-қувватлаб тургани ҳам муҳим ўрин тутди. Бу мусобақадаги зафарлар футболчиларимизга илк бор Олимпиада ўйинларида қатнашиш имконини бергани билан ҳам аҳамиятли. 2024 йилда эса Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпиадада юртдошларимиз муваффақиятли иштирок этди.

Бу ютуқлар ўзбек футболи ҳақидаги достоннинг энг ҳаяжонли саҳифаларидир. Аммо достон кульминацияси шу йилнинг 20 апрелидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг Осиё кубоги финалидаги ёрқин ғалабаси бўлди. Чунки футболчиларимиз Саудия Арабистонининг “Подшоҳ Фаҳд” стадионида биринчи бўлимда иккита қизил карточка олиб, 9 киши бўлиб қолишига қарамай, 11 кишилик мезбонларни 2:0 ҳисобида мағлуб этди. Бу қаҳрамонлик чин маънода бутун дунё эътиборини ўзбек футболига қаратди.

Шу ўринда “Алпомиш” достони хаёлимга келади. Достоннинг энг ҳис-ҳаяжонли саҳналари, мен учун кульминацияси Алпомиш ўғли Ёдгорнинг Ултонтоз зўрлови билан бобосидан мерос қолган ўн тўрт ботмонли камонни боши узра кўтариши эди. Ўсмирларимиз ҳам Ултонтоз каби инсонларнинг ғайирлиги билан катта қаҳрамонлик қилишига, ўзларининг нималарга қодир эканини кўрсатишига тўғри келди.

Бугунги ғалаба эса бу достоннинг қувончли якуни. Ёдгор каби кўп-кўп алп қаҳрамонларнинг ўсиб келаётгани ўзбек футболи достони ҳали давом этишининг нишонасидир.

Санжар ЭШМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

www.yuz.uz — yuz.uznews — yuz_official — yuz.uz_news — yuz.uz

ИНСОН ҚАДРИ, УНИНГ ИШОНЧИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙДЕВОРИ



Бошланиши 1-бетда

Сўнгги тўққиз йил халқ ишончи билан янги сафлар битилаётган, миллий тикланишнинг юрагига айланган давр сифатида эсланади. Бу тарих ғоялар уйғониши, эл ва етакчи ўртасида қалб кўприги қурилган, давлат ислоҳотни халқ қалби билан бахам кўра бошлаган, ишонч муҳити ҳукмронлик қилган давр ўлароқ таърифланади. Илгари халқнинг овози эшитилмас, эшитилса ҳам давлат ораликдаги деворни сезмас эди. Бугун эса халқ тингланмоқда, овозига қулоқ тутилмоқда, давлат эса инсон қалбига суянаётган маърифатли давлатга айланмоқда.

Ишонч сўзи бугун янги Ўзбекистон сиёсий лексикасининг энг порлоқ, энг маънодор ва энг бардавом тушунчасига айланиб улгурди, десак муболаға бўлмайди. У ҳар бир фармонда, ҳар бир қарорда, ҳар бир учрашувда, ҳатто ҳар бир инсон қалбининг олис бурчагида ҳам акс этмоқда. Халқ ўзини энди томошабин эмас, балки ўз тақдирида иштирокчи сифатида ҳис қилмоқда. Бу муносабатда муроса бор, бирлик, янгиланишга интилиш бор.

Бугунги кунда жамиятдаги барча тизимлар — маҳаллалар, жамоатчилик кенгашлари, жамоат ташкилотлари ва давлат идоралари эл билан елкадош бўлиб, қарорларнинг ишонч орқали қабул қилинишига хизмат қилмоқда. Ҳар бир қарор ишончдан куч олмоқда, ҳар бир ҳаракат фақат ишонч туйғуси билангина қадр топмоқда. Давлат томонидан халққа юзланиш, унинг фикрини эшитиш, юрт сиёсий маданиятида беқиёс бурилишни англатмоқда.

Бу улкан жараёнда етакчининг шахсий ғояси, қараши, юраги билан ҳис этиши ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. **Президент Шавкат Мирзиёев** ишончни фақат сиёсий восита эмас, балки давлатни халқ билан бирга қайта қуриш ғоясига айлантирмоқда. Зеро, халқ қалбида бунёд этилаётган бу давлат — янги Ўзбекистондир. У халқ ишончи билан қайта туғилаётган, инсон қадри билан юксалаётган давлатдир.

Бугунги мақолада айнан ишонч ҳақида сўз боради. Ишончнинг синови, у қандай кечмоқда, қандай ифодаланмоқда, қандай мустаҳкамланмоқда ва уни асраш учун биздан нималар талаб этилади, ана шу масалаларни таҳлил қиламиз. Чунки бугунги кунда миллат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир қалб ишончни сақлаш, ёритиш ва жамият онгида мустаҳкамлаш курашида. Бу курашда энг қудратли қуролимиз халқ ишончи, келажакка бўлган тўлақонли ва холис ишончдир.

Бу ишонч баландпарвоз гаплар ёки шиорлар билан эмас, балки амалий саъй-ҳаракатлар, ҳаётдаги реал ўзгаришлар орқали халқ қалбида мустаҳкам илдиз отмоқда. Ишонч қоғозда эмас, ҳар бир қарорда, ҳар бир сафарда, ҳар бир инсон дардида ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шунинг учун ҳам бугун мамлакатда олиб борилаётган ҳар бир ислоҳот аввал халқ қалбидаги синовдан, сўнг амалий ҳаётдаги синовдан ўтмоқда. Фақат ишонган одамгина юрагини очади. Давлат бугун халқ ишончи орқали ўзининг кучини топяпти, халқ эса давлат орқали ўз сўзининг, орзусининг ҳаётга татбиқ этилаётганини кўрмоқда.

Шу жиҳатдан қаралса, янги Ўзбекистон фалсафаси — “ишонч синови” фалсафасига айланди. Бу фалсафа нафақат юксак минбарларда, балки ҳар бир ҳокимият идорасида, ҳар бир маҳалла ва туманда, мактаб ва шифохонада — халқ орасида яшаётган фалсафадир. Халқ: “Мени тинглаяпти, менга ишоняпти, мен учун қарор қабул қилинмоқда” деб ҳис қила бошласа, айнан шу ишонч мамлакатнинг энг муҳим миллий капиталига айланади.

Давлат — фуқаро муносабатлари: ишончни қайта қуриш жараёни

2016 йилдан кейинги ҳар бир сиёсий жараён, ҳар бир ижтимоий ҳаракат халқ ва давлат ўртасидаги янгича муносабатни яратишга қаратилгани билан тарихда қолади.

Илгари фуқаролар томонидан билдирилган мурожаатлар кўп ҳолларда жавобсиз қолиб, муносабат билдирилмаслиги кузатилар эди. Давлат органлари эса фуқароларнинг муаммоларига етарли даражада эътибор қаратмас, уларни эшитиш ва ҳал этиш борасида ташаббус кўрсатмасди. Бир сўз билан айтганда, юртимизда давлат ва жамият ўртасида муросасизлик деворлари қад ростлаган, ишончнинг илдизи қуриб бораётган даврлар ҳам бўлди.

Аммо бугунги кунда бу деворлар парчаланди. Давлат идоралари халқ сўзига қулоқ тутадиган, уни эшитадиган, бирга фикрлашадиган тузилмага айланмоқда. Энг муҳими, бу янгиланиш оддий сўз билан эмас, балки аниқ натижалар, рақамлар ва фуқаролар ҳаётидаги ўзгаришлар орқали намоён бўлмоқда.

2017 йилдан буён фуқароларнинг мурожаатлари тизимли равишда кўриб чиқилиб, уларнинг муаммоларига амалий ечимлар топилмоқда. Шу кунгача вилоят ва туман (шаҳар)лардаги “Халқ қабулхоналари” орқали 6 миллиондан зиёд фуқаронинг муаммоси эшитилди, ечим топилди. Бу рақамлар фақат статистика эмас. Бу ишончни қайта тиклаш, халққа ўз овози борлигини англатиш жараёнидир.

Бундай эшитувчан давлат концепцияси дунёдаги кўплаб ривожланган мамлакатларда ҳам ҳали тўлиқ йўлга қўйилмаган жараёндир. Ўзбекистон эса бу соҳада нафақат қолган давлатларга етаётган, балки уларни илҳомлантираётган мамлакатга айланмоқда.

Мана шундай халқ манфаатларига йўналтирилган давлат сиёсати натижасида фуқаролар давлат идораларига ишонч билан мурожаат қилмоқда. Энг муҳими, давлат ҳам жамиятдаги муаммоларга беэътибор эмас — ҳар бир фуқаро овози эшитилмоқда, ҳар бир муаммога ечим изланмоқда. Давлат ва жамият ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкамланмоқда.

Бир пайтлар “фуқаролик жамияти” деган тушунча назариядан нарига ўтмас, жонли ҳаётда унинг таъсири сезилмас эди. Маҳалла фаоли, ёшлар етакчиси, касаба уюшмаси, журналист, блогер — уларнинг овози на парламентга, на ҳокимиятга етиб борарди.

Бугун мамлакатда ҳар бир фуқаронинг сўзи, ташаббуси ва фикри қимматга эга. Маҳаллий даражада **Фуқаролар йиғини, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари ва маслаҳат кенгашлари** фаолияти институционал даражада мустаҳкамланди. Айрим ҳудудларда маҳалла фаоллари вилоят ва туман ҳокимларининг иш режасига ўз таклифларини киритмоқда. **Бу давлат ва жамият ўзаро уйғунлашиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.**

Фуқаролик назорати ҳам эндиликда расмий сиёсат даражасида. ОАВ ва блогерлар иштирокида олиб борилаётган мониторинглар, очиқ маълумотлар базалари, таҳлил порталлари — буларнинг барчаси фуқаронинг фикри давлат қарорларига таъсир қилаётганидан далолат.

Ана шундай мулоқот муҳитида халқ билан давлат орасидаги ишонч ришталари тобора мустаҳкамланмоқда. Тил давлатники, ҳис халқники бўлган қарашлар сўнмоқда. Энди юрак ҳам, ақл ҳам бир мақсадга йўналмоқда: адолатли давлат, фаровон жамият қуриш.

Ишонч, аввало, мулоқотда, тушунишда, фикрлашда намоён бўлади. Бугун юртимизда ана шу мулоқотнинг навқирон маданияти шаклланмоқда. Бу бирор қонун билан эмас, балки ҳаёт билан, халқ билан, давлат раҳбари қалби билан яратилаётган жараёндир.

Давлат хизматининг юзи ўзгармоқда: инсон ва унинг қадри учун хизмат қилишга ўтилмоқда

Кеча давлат ҳукмдор, фуқаро эса ижрочи сифатида тасаввур қилинарди. Бугун эса давлат хизматчиси, халқ олдида масъул ва жавобгарлик ҳисси билан яшайдиган тўлақонли институтга айланди. Давлат фуқарога энди назоратчи эмас, балки елкадош сифатида яқинлашаётир.

Ислоҳотларнинг бош мезони **“давлат ташкилоти фуқаро учун очиқ бўлиши шарт”** деган қарашни амалда ҳаётга татбиқ этиш бўлди. Бир қарашда осон гўё. Аммо бу юз йиллар давомида шаклланган маъмурий ва бюрократик деворларни бузиш, давлат хизматини фуқарога хизмат қилишга мослаштириш, хизмат маданиятини тубдан ўзгартиришни англатар эди.

Биргина мисол, 2024 йил якунларига кўра, 1000 дан ортиқ давлат хизматчиси фуқаролар мурожаатига муносабат билдирмагани учун интизомий жавобгарликка тортилгани ҳам бу жараённинг таъсир даражасини кўрсатади. Айрим ҳудудларда эса мурожаатларнинг 60 фоизидан кўп қисми жойида ижобий ҳал этилмоқда. Бу расмий рақамлар ортида фақат бажарилган иш эмас, балки қайта қурилаётган ишонч турганини унутмаслик лозим.

Маҳаллалардаги ижтимоий ходимлар, занжирли ижтимоий хизматларни кўрсатиш тизими, “ҳоким қабулхонаси”нинг ҳар ҳафтада маҳаллаларга тушиши — булар халқ хизматига яқинлашишнинг янги сифат даражалари бўлди.

Илгари давлат муассасаси эшиги фақат шахсий танишлар учун очиларди. Бугун эса электрон навбат, “Ягона интерактив портал”, масофадан мурожаат тизимлари ишламоқда. Фуқаро энди талабгор эмас, давлатнинг шериги сифатида тан олинмоқда.

Бу ислоҳотлар моҳиятида халқ билан ҳисоблашиш, инсон қадрини улуғлаш ва ишончни қайта тиклаш ғояси ётади. Шу боис, давлат хизмати эндиликда лавозим эмас, масъулият, имтиёз эмас, хизмат деб қарала бошланди.

Камбағалликни қисқартириш сиёсати — ишончни амалда тиклаш

Камбағаллик шунчаки иқтисодий кўрсаткич ва ижтимоий ҳолатни ифодаламайди, балки у фуқаро ва давлат ўртасидаги узилган боғнинг, йўқолган ишончнинг юзага чиққан ифодасидир. Ўзбекистонда 2016 йилгача бу муаммо ҳақида очиқ гапирилмасди. Камбағаллик гўё давлатнинг нуфузига соя тушираднган оғриқли нуқта эди. Дунё тажрибасида ҳам кўплаб давлатлар бу рақамларни яширади, чунки бу ташқи сиёсатдаги мавқега, рейтинглар ва халқаро муносабатларга таъсир қилувчи омил ҳисобланади.

Аммо Президентимиз бу муаммонинг муҳокамасини давлат сиёсати даражасига кўтарди, энг мақбул йўл камбағалликка қарши курашиш эканини англади. Шу сабабли ўтган 9 йил давомида камбағаллик ҳақида очиқ гапириш, илдизига чуқур қараш ва унга қарши курашиш халқ ишончига таянган сиёсий жасоратнинг ифодасига айланди.

Бу жасоратли қарор эди. **Негаки ишонч — ҳар қандай давлатнинг асосий капитали**.

Рақамлар гувоҳлик, сиёсат эса натижа бермоқда

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ДСИ маълумотларига кўра, 2020 йилда мамлакатда камбағаллик даражаси тахминан **17 фоиз** атрофида бўлган. Яъни қарийб **6 миллион нафар фуқаро** турмуш кечиришда қийинчиликларга дуч келаётган эди.

2021 йилда камбағалликни қисқартириш илк бор **давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида** белгиланди. Алоҳида **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** ташкил этилди.

2023 йилга келиб, давлат статистикасига кўра, камбағаллик даражаси **14 фоиз**гача пасайди. **2024 йилда** “**Камбағалликдан фаровонлик сари**” дастури доирасида маҳаллаларда раислар, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари ва бандлик органлари ҳамкорлигида **1 миллиондан ортиқ оила**нинг моддий-ижтимоий аҳволи ўрганилиб, уларга **манзилли ёрдам** кўрсатилди. Фақат 2024 йилнинг ўзида **420 минг фуқаро** касбга ўргатилди ва иш билан таъминланди.

Яна **1,1 миллиондан ортиқ фуқаро** имтиёзли кредитлар, грантлар ва ижтимоий лойиҳалар орқали **уй-рўзғор иқтисодиёти**ни шакллантириш, **хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш** имкониятига эга бўлди.

Бу рақамлар ортида фақат қуруқ статистика тургани йўқ, балки **миллат тақдири, инсон ҳаёти, болалар тақдири** турибди. Бу борадаги сиёсат натижа берди ва натижани ҳар бир оила ўз турмуш тарзида, ҳаётида, қалбида ҳис қила бошлади. Буни ҳис қилмаслик эса бундан бу ёғига ношукурчилик сифатида баҳоланади.

Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш нафақат ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши, балки халқ билан давлат ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашнинг амалдаги ифодасига айланди. Бу сиёсат орқали минглаб фуқароларнинг ҳаётида том маънодаги бурилиш юз бермоқда. Қуйида келтириладиган мисоллар бунга яққол далил бўла олади.

Наманган вилояти Чортоқ тумани Гулдиров маҳалласида яшовчи, боқувчисиз қолган, уч фарзандининг онаси Саломат Собирова, бир фарзандини йўқотган оғир синовдан сўнг ҳаётга қайта туғилиш имкониятига эга бўлди. Давлат томонидан унинг қобилияти инобатга олиниб, тикув машинаси, қўй ва паррандалар тақдим этилди. Бугунги кунда у ҳафтасига 400-600 минг сўм даромад топаётган, оиласи учун келажак қуришни бошлаган аёлдир.

“Менга берилган имконият бу — давлатнинг менга бўлган ишончи. Эндиги мақсадим хусусий цех очиб, тикувчилик ва қўйчиликни ривожлантириш, фарзандларимни илму маърифатга асосланган ҳаёт сари етаклаш, оилам тақдирини ўз меҳнатим билан фаровонликка бошлашдир”, дейди у.

Ёки Жиззах вилояти Зафаробод туманида 4 нафар фарзанди билан ёлғиз қолган Комила Турғунованинг уйи давлат томонидан таъмирлаб берилгани, ўзи туман ободонлаштириш корхонасига ишга қабул қилингани, фарзандларининг таълим ва тўгаракларга жалб этилгани, шубҳасиз, инсон тақдирига дахлдор ҳолатдир.

— Бу кўмак менинг ҳаётимни бутунлай ўзгартирди, — дейди Комила. — Келажакда фарзандларимни элга манфаатли, юртга садоқатли инсон қилиб тарбиялашни ўз олдимга мақсад қилдим, — деб юрагидаги ишонч ва шукроналик туйғусини изҳор қилади.

Қашқадарё вилояти Қарши туманида яшовчи Дилфуза Тошева ҳам икки фарзанди билан боқувчисиз қолган пайтда давлат кўмагига муҳтожлик сезади. Унга дастур доирасида тикув машинаси, материаллар, қудуқ, тандирхона ва экин учун ер тақдим этилади. Давлат кўмаги билан Дилфуза болалар шифохонасига муқим ишга кирди, фарзанди боғчага жойлаштирилди. Ҳар ой қўшимча равишда 2,5-3 миллион сўм даромад топаётган бу оилада энди умид, ишонч ва келажак бор.

“Юртбошимизнинг халқпарвар сиёсати менга қайта яшаш имконини берди, — дейди у. — Эндиги мақсадим ўз тикувчилик фаолиятимни кенгайтириш, фарзандларим учун университет эшикларини очиш ва уларни юртимизга садоқатли, билимли ва муносиб инсонлар қилиб тарбиялашдир”.

Бундай ҳаётий мисоллар жонажон юртимизнинг ҳар бир ҳудудида, қишлоғида, маҳалласида учрайди. Булар шунчаки дастурлар ёки рақамлар натижаси эмас. Улар инсон тақдири, оила бахти ва келажак умиди билан юзма-юз бўладиган миллий сиёсатнинг ёрқин юзини очиб бермоқда.

Зеро, камбағалликни қисқартириш бу фақат эҳтиёжларни қоплабгина қолмай, балки инсоннинг орзу қилиш қобилиятини тиклаш, унинг қадрини тан олиш, ҳаётга ва давлатга нисбатан ишончни қайта қуриш демакдир.

Бу мисоллар шуни яққол намоён этмоқдаки, халқ қалбига йўл топган сиёсатгина ислоҳотга айланиш қудратига эга. Бундай ислоҳотнинг ҳақиқий мезони нафақат иқтисодий рақамларда, балки юзларда порлаган табассум, болалар учун очилган имконият эшиклари ва ҳаётга қайтган умиднинг барқу нури орқали ўлчанади.

Ғалаба камбағалликни енгишда эмас, балки инсоннинг орзусини қўллаб-қувватлаш, меҳнатини қадрлаш ва келажакка бўлган ишончни муштарак мақсадга айлантиришда намоён бўлади. Ана шунда юксалиш халқ билан бирга, халқ учун содир бўлади.

Бу сиёсатдаги энг катта натижа халқ турмушидаги ўзгаришлардир.

Аҳолининг давлат тизимига бўлган ишончи — индикатор ва омил

Ишонч фақат ҳиссий туйғу бўлиб қолмай, балки давлат ва жамият муносабатларининг қалб риштасини ҳам англатади. У фуқаронинг ҳар кунлик қарорларида, фарзанди келажагига боғланган орзусида, давлатга қарата айтиладиган сўзида яшайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда халқнинг давлат тизимига бўлган ишончи нафақат қайта тикланмоқда, балки янги мазмун билан бойимоқда.

Шу сабабли ҳам фуқаро кайфияти давлат сиёсати самарасининг энг кучли кўзгусига айланмоқда. Бу кайфиятни нафақат оммавий сўровлар, балки ижтимоий тармоқлардаги фикрлар, маҳаллалардаги муҳокамалар, туман марказларида юзага келаётган мулоқотлар ва маҳаллий қарорларга нисбатан муносабатлар орқали баҳолаш мумкин. Мамлакатнинг ҳар бир ҳудудида ишга жойлашган ёш, тадбиркорликка қадам қўйган хотин-қизлар, камбағалликдан чиқиб, оиласига таянч бўлган инсоннинг ҳар бири ишонч туйғусининг энг мустаҳкам индикаторидир.

Дейлик, Президентимиз томонидан куни кеча эълон қилинган ойлик маошларнинг оширилиши ҳам халқнинг иқтисодий шароити яхшиланиши билан бирга давлатнинг ўз фуқароси тақдирига қайғуришини яққол намоён этди. Бу қарор фидойи шифокор, касбига садоқатли ўқитувчи ва барча давлат хизмати ходимларига нисбатан кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Назаримизда, бугунги кунда жамиятимиздаги энг муҳим мезон бу **“менинг давлатим” деган туйғуни ҳар бир фуқаро қалбида уйғотишдир**. Чунки бу сатр қоғозда мавжуд бўлганидек инсон қалбида ҳам муҳрланса, нур устига нур бўлади. Шунинг учун давлатимиз раҳбарининг ҳар бир қарори, ҳар бир ёрдами, ҳар бир телефон суҳбати бу ишончни мустаҳкамлашнинг амалий кўринишидир.

Бу жараёнда халқ давлатга эмас, давлат халққа юзланяпти. **Бу муҳитда ишонч нафақат индикатор, балки тараққиётнинг двигателига айланмоқда.** Ишонч бор жойда ҳаракат бор, ҳаракат бор жойда натижа бор, натижа эса ишонч тимсолидир.

Сиёсий етакчиликнинг ишонч қурилишидаги ўрни

Мамлакат тараққиётининг бугунги босқичида сиёсий раҳбарлик фармон ва қарорлар билан эмас, балки инсон қалбида из қолдириш, халқнинг дарди билан яшаш, ҳар бир фуқаронинг оғриғини ҳис этиш қобилияти билан баҳоланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг кейинги тўққиз йилдаги самарали ва натижадорлик индикаторига асосланган сиёсий фаолияти **Ўзбекистонда ишонч муҳитини шакллантиришнинг инсонпарвар ва маърифатпарвар моделини яратди.** Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар халқ билан бирга нафас олаётган, дунёнинг турли бурчакларида зиддиятли вазиятлар юз бераётган бир шароитда ўз халқига тинчлик, имконият ва ишонч олиб келаётган адолатли сиёсат сифатида бўй кўрсатмоқда.

Бунда асосий мезон қилиб инсон қадри олинди. “Аввало инсон, кейин жамият ва давлат” тамойили ҳаётга татбиқ этилар экан, ҳар бир фуқаро давлатнинг юраги сифатида кўрилмоқда. Бу сиёсат орқали давлат ва жамият ўртасидаги ишонч ришталари янада мустаҳкамланмоқда, инсон қалби билан давлат юраги ўртасида яқинлик занжири барпо этилмоқда.

Бунинг ёрқин мисоли ҳар йили муборак Ҳаж амалини адо этаётган ватандошларимиз ҳолидан шахсан хабар олиниши, уларнинг маънавий бурчини белгилаб берувчи сўзлардир. Президентимиз яқинда Муфтий ҳазратлари билан бўлган самимий мулоқотда ҳожиларни тинчлик ва маънавият тарғиботчилари деб атаб, Ўзбекистонга қайтгач, уларнинг оилаларда, маҳаллаларда аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашда, ёшларимизни соғлом эътиқодга, илму маърифатга, касб-ҳунарга даъват этишда, эҳтиёжманд инсонларга кўмак бериш йўлида намуна кўрсатишларига умид билдирди.

Бу сўзлар давлат ва халқ ўртасидаги маънавий боғлиқлик, ўзаро масъулият ва ишонч тамал тошига айланди. Миллат онгини шакллантираётган бу жараёнда инсонпарварлик ва жасорат ҳам асосий қадриятга айланмоқда.

Бунинг амалдаги тасдиғига яқиндаги воқеа ҳам гувоҳлик беради: **Абдуманнон Самиқов** исмли мард юртдошимиз икки қизалоқни сувдан қутқариш пайтида ҳалок бўлди. Унинг жасорати Президентимиз томонидан эътироф этилиб, **“Жасорат”** медали билан мукофотланди. Шунингдек, қутқариш ишларида иштирок этган **Нурмуҳаммад Мамасалиев** ҳам ушбу мукофотга сазовор бўлди.

Бу воқеа фақат мукофотлаш эмас, ишонч ва қадрлаш маданияти шаклланаётганини ҳам намоён этди. Жонкуяр шифокор, тинимсиз меҳнат қилаётган ўқитувчи, фарзанди учун фидо бўлган ота ёки ҳалокат остидаги инсонни қутқариш учун ҳаётини хавф остига қўйган фуқаро ҳам ардоқланаётганини кўрсатди.

Бундай муносабат халқ онгидаги **“Менинг Президентим”, “Менинг давлатим”** деган туйғуни мустаҳкамлаб, шахс ва давлат ўртасидаги ишончни теранлаштирди. Таъбир жоиз бўлса, бугунги Ўзбекистонда маърифатли раҳбарлик миллий тикланишнинг мустаҳкам ва ажралмас илдизига айланиб улгурди.

Ишонч — янги Ўзбекистоннинг сиёсий капитали

Янги Ўзбекистонда энг қимматли бойлик ер ёки захиралар эмас, балки халқ ишончидир. Бу ишонч эндиликда иқтисодий барқарорлик мезони ҳам, сиёсий мувозанатнинг пойдевори ҳам, давлат билан жамият ўртасидаги кўприкмас кўприк ҳам бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки ишонч бўлмаган жойда ислоҳот самара бермайди, фармон юракларга етиб бормайди. Аммо ишонч бўлса, ҳатто оғир қарорлар ҳам халқ томонидан енгил қабул қилинади, англанади, қўллаб-қувватланади.

Афсуски, ишонч бугун ўз-ўзидан пайдо бўлаётгани йўқ. У мамлакат раҳбарининг халққа юзланувви, унинг кўзларида “Мен сиз биланман” деган маънони ўқий олган онлар, халқ юрагида сакина ҳосил қилган воқеалар натижасидир. Ҳар йили муқаддас Ҳаж сафарига отланган юртдошларимиз билан мулоқот, ҳаётий муаммоси бор инсоннинг овозини эшитиш, ҳалок бўлаётган болани қутқарган мард инсонни “Жасорат” медали билан тақдирлаш бу шунчаки ҳаракат эмас, бу халқ қалбига туҳфа этилаётган юракдан чиққан сўз, чин ғамхўрлик тимсолидир.

Азиз ватандошлар, ҳозирги давр ишонч синови давридир. Бу синовда фақат халқ эмас, давлат ҳам ўзини намоён қилмоқда. Одамлар “Менинг давлатим”, деб айта бошлади. Чунки давлат ҳам “Менинг халқим” деб куюнмоқда. Ана шу икки юрак ўртасидаги эҳтиромли риштa, садоқат риштаси орқали янги Ўзбекистон яратилмоқда.

Президентимизнинг ҳикматли сўзлари бор: **“Агар халқ ишонмаса, ҳеч қандай ислоҳот натижа бермайди”.** Бу сўзлар давлат сиёсатига айланди. Энди давлат халққа хизмат қилмоқда, халқ эса давлатга елкадош бўлмоқда. Шу жиҳатдан қаралганда, ишонч давлатнинг сиёсий капитали сифатида тарих саҳифасида ўз ўрнини тобора мустаҳкамламоқда.

Ишонч бу мақола мавзуси эмас, балки халқ тақдири билан боғлиқ улкан ҳақиқатдир. Шу ҳақиқатни янада бардавом қилиш, уни ҳар куни қайта қуриш, мустаҳкамлаб бориш ва асраб-авайлаш ҳаммамизнинг миллий бурчимиздир. Чунки бу юртда энди биргина сўз эмас, ишонч ҳам ўзгаришларни бошлай олади.

Бахтиёр ИСОҚОВ,
Наманган давлат университети доценти,

Лобар ТУРСУНОВА,
Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси

> **Президентимизнинг ҳикматли сўзлари бор: “Агар халқ ишонмаса, ҳеч қандай ислоҳот натижа бермайди”. Бу сўзлар давлат сиёсатига айланди. Энди давлат халққа хизмат қилмоқда, халқ эса давлатга елкадош бўлмоқда. Шу жиҳатдан қаралганда, ишонч давлатнинг сиёсий капитали сифатида тарих саҳифасида ўз ўрнини тобора мустаҳкамламоқда.**
>
> **Ишонч бу мақола мавзуси эмас, балки халқ тақдири билан боғлиқ улкан ҳақиқатдир. Шу ҳақиқатни янада бардавом қилиш, уни ҳар куни қайта қуриш, мустаҳкамлаб бориш ва асраб-авайлаш ҳаммамизнинг миллий бурчимиздир. Чунки бу юртда энди биргина сўз эмас, ишонч ҳам ўзгаришларни бошлай олади.**

Халқаро инвестиция форуми олдидан

ЎЗБЕКИСТОННИНГ “ОЛТИН ВИЗА” ДАСТУРИ

хорижий инвесторларни рағбатлантириш йўлидаги навбатдаги қадам

Сўнгги пайтларда Ўзбекистон кенг жамоатчилиги ўртасида, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда хорижликларга, хусусан, чет эллик инвесторларнинг мамлакатимизда яшаши бўйича “Олтин виза” бериш тартибига киритилган ўзгартишлар катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хўш, “Олтин виза” дастури нима ўзи, ушбу лойиҳа Ўзбекистон иқтисодиётига ва хорижликларга қандай наф келтиради? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида мазкур тизим билан боғлиқ тартиботлар ҳақидаги ҳужжатлар билан танишдик.

Жумладан, Ўзбекистон Президентининг жорий йил 18 апрелдаги “Ишлаб чиқариш, экспорт ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сиёсати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида “Олтин виза” бериш ҳақида сўз борган.

Ҳужжатга мувофиқ, инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида жорий йил 1 июндан бошлаб хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга 250 минг АҚШ доллари ҳамда уларнинг ҳар бир оила аъзосига (турмуш ўртоғи, фарзанди ва ота-онаси) 150 минг АҚШ доллари миқдоридаги тўловлар эвазига Ўзбекистонда яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга соддалаштирилган тартибда берилади.

“Олтин виза” дастури хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳуқуқий кафолатлар бериш, мамлакат сармоявий муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган. Шунингдек, бу мамлакат очиқлиги, капитални ҳимоя қилиш, барқарор халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Таъкидлаш керакки, сўнгги саккиз йилда халқаро майдондаги зиддиятларга қарамай, очиқ ва прагматик ташқи сиёсат юритиш Ўзбекистоннинг жаҳон аренасидаги ташриф қоғозига айланди.

Мамлакатимиз, айниқса, хорижий инвесторлар учун қулай макон сифатида кўрила бошланди. Ўсиб бораётган иқтисодий салоҳияти билан ушбу йўналишда Ўзбекистон Марказий Осиёда энг жозибадор манзил ҳисобланади, десак хато бўлмайди.

Албатта, хорижий инвесторлар ишончини қозониш учун уларга зарур шароитлар, имкониятлар ва имтиёзлар татбиқ этилиши керак. Бундай ёндашув нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунё тажрибасида мавжуд.

Ҳозирги кунда, айниқса, жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган глобал муаммолар фонида инвестиция учун бутун дунёда кураш кескинлашмоқда. Турган гапки, инвестор ўзига қулай шароит яратилган ва хавфсиз сармоявий муҳитга эга мамлакатни танлайди. Чунки у сарфлаётган маблағининг ишончли қонуний ҳимоясини кўришни хоҳлайди.

Етти-саккиз йил аввал етакчи компаниялар Ўзбекистонга инвестиция киритишга иккиланган рост. Бу сармоядорларнинг манфаатдорлик ҳуқуқи етарлича таъминланмаганидан далолат беради. Бироқ 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит яратиш бўйича туб ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусий мулк эгалари, шу жумладан, инвесторлар ҳуқуқлари кафолатлари янгиланди, улар ҳатто Бош қонунимизда янада мустаҳкамланди. Шунингдек, ўтган йилларда давлатимиз раҳбарининг хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга оид қатор қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатлари қабул қилинди.

Натижа узоқ куттиргани йўқ. Бугун юртимизнинг қайси гўшасига борманг, янги инвестициявий лойиҳалар ва қўшма корхоналарга дуч келасиз. Улар юртимиз равнақи, аҳоли фаровонлигини таъминлашга, янги иш ўринлари яратишга ва ижтимоий объектлар қурилишига хизмат қиляпти.

Шу аснода Тошкент халқаро инвестиция форуми халқаро миқёсда катта қизиқиш уйғотиб, анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши тузилган.

Кенгашнинг асосий вазифалари муваффақиятли тажриба ва халқаро амалиётдан келиб чиқиб, мамлакатимизни инвестициявий, савдо-технологик ва инновациявий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳат бериш ҳамда Ўзбекистон ҳукумати ва хорижий инвесторлар ўртасида



очиқ мулоқотни таъминлашдан иборат. 2022 йилда бўлиб ўтган биринчи сессияда ушбу механизмнинг самарали фаолият юритиши учун пойдевор яратилган эди.

2024 йил май ойида бўлиб ўтган 3-Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда кенгаш аъзоларининг қўллаб-қувватлаши орқали Ўзбекистон жадал ўсиш суръатларини намойиш қилишда давом этиши, халқимиз турмуш даражаси ошиши ва юртимизнинг фаровон келажаги таъминланишига ишонч билдирилди.

Ўзбекистон Президенти 3-Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқида хорижий сармоядорларни қўллаб-қувватлаб, қуйидаги фикрларни билдирган эди. **“Биз мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун қатъий қадамлар ташладик. Айнан шу боис ҳар бир сармоядор ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиши учун кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширяпмиз”.**

Маълумотларга кўра, сўнгги етти йилда мамлакатимизга 100 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция келган. Давлат-хусусий шериклик бўйича қонун қабул қилиниб, мингдан зиёд лойиҳа бошланган. 1800 турдаги янги маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шу йил 10-12 июнь кунлари бўлиб ўтадиган IV Тошкент халқаро инвестиция форуми бу борада муҳим қадам бўлади.

Шунингдек, хорижий инвесторга “Олтин виза” бериш бўйича навбатдаги ташаббус ҳам юртимизга чет элдан сармояларни жалб этишни жадаллаштиришга кенг йўл очади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий инвесторлар ҳам янги Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотлар дастурини юқори баҳоламоқда. Уларнинг таъкидича, давлатимиз раҳбарининг инвестиция фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришга қатъий интилиши юксак эътирофга лойиқ.

“Президент Шавкат Мирзиёев ва ҳукумат аъзоларининг хорижий инвесторлар билан фаол мулоқоти муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндашув мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ҳамда тараққиёти учун тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга аниқ ва ишончли ишора бўлди.

Юртингиздаги замонавий шарт-шароитлар ва янги ташаббуслар Ўзбекистонни тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни қабул қилишга тайёр давлат сифатида намоён этди.

Шунингдек, давлатингиз раҳбари амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, валюта бозорини либераллаштириш, банк сектори ва пул-кредит ислоҳотларини эркинлаштириш, давлат корхоналарини таркибий ўзгартириш ҳамда хусусийлаштириш ҳамда бошқа кўплаб ишлар хорижий инвесторларга ишонч ва куч бағишламоқда.

Ўзбекистон Президенти билан учрашувимиз чоғида менинг Ўзбекистонга инвестиция киритиш бўйича барча режаларимни диққат билан тинглади ва тегишли одамларга барча зарур ёрдамни кўрсатиш бўйича аниқ ва тезкор топшириқлар берди. Натижада шакар ишлаб чиқаришга қарийб 400 миллион доллар инвестиция киритдик. Шунингдек, олтин ва мис қазиб олишга 20 миллион доллардан ортиқ дастлабки сармояни жалб қилдик”, дейди Мисрнинг етакчи “Orascom Investment Holding” компанияси асосчиси Нагиб Савирис.

Мутахассисларга кўра, бундай виза дастурлари халқаро амалиётда, жумладан, Европа давлатлари, АҚШ, БАА, Сингапур ва бошқа мамлакатларда мавжуд.

Жумладан, “Олтин виза” дастури Португалияда 250-500 минг евро, Грецияда 250 минг евро, Кипрда 300 минг евро, БААда 550 минг АҚШ доллари, АҚШда 5 миллион доллар, Испанияда 500 минг доллар, Сингапурда 7,7 миллион доллар, Венгрияда 250 минг доллар, Латвияда эса 60 минг доллар қилиб белгиланган.

Мазкур дастур юқорида қайд этилган давлатларда капитал, технологиялар ва ишбилармонлик фаоллигини жалб қилишнинг самарали воситаси сифатида ўзини оқлаган. “Олтин виза” берилиши хорижий инвесторлар учун қулай ва олдиндан башорат қилиш мумкин бўлган муҳитни яратади. Ҳуқуқий кафолатларни таъминлайди ва инвестиция муҳитига ишончни мустаҳкамлайди. Янгилик мамлакатнинг очиқлик, капитални ҳимоя қилиш ва барқарор халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга стратегик йўналтирилганини акс эттиради.

Баъзи мамлакатлар “Олтин виза” таклиф қилади, баъзилари эса “Олтин паспорт” орқали ҳатто чет элликлар учун тўлиқ фуқароликни беради. Уларнинг мақсади мамлакатга капитал ва бой хорижий инвесторларни жалб қилишдан иборат.

Марказий Осиё давлатлари ҳам “Олтин виза” тартибларини жорий этмоқда. Хусусан, шу йил апрель ойида Қозоғистон инвестор визасини олишнинг янги қоидаларини амалга киритди. Визага Қозоғистон компаниялари устав капиталига ёки маҳаллий эмиссиявий қимматли қоғозларга камида 300 минг доллар сармоя киритганлар ариза топшира олади. Кейинчалик улар 10 йиллик яшаш гувоҳномасини олиши мумкин.

Мухтасар айтганда, “Олтин виза” дастури миллий иқтисодиётни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, давлат объектларини хусусийлаштириш жараёнларига, республиканинг ишчи кучи мавжуд бўлган ҳудудларида янги иш жойларини яратиш мақсадларига тўғридан тўғри хорижий сармояларни кенг жалб этишга хизмат қилади.

“Дунё АА”

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Халқ билан мулоқот

Эҳтиёжманд, у ёки бу муаммо билан безовта бўлаётган, қийналаётган, ҳаётини фаровон қилиш учун қайғураётган одамларнинг мушкулини осон қилиш, қонуний талаб ва истакларига мунтазам ва тизимли аҳамият бериш, ечим излаш Президент Халқ қабулхоналарининг устувор вазифаларидан бири. Бу борада, айниқса, ушбу тузилманинг зийрак, оқилона ва дипломатик ёндашуви энг муҳим жиҳат, энг зарур, самарали усул ҳисобланади.

Муаммоларнинг ечимида қўйилган ташхиснинг тўғрилиги, малакали ва аниқлиги Халқ қабулхоналарининг нуфузи, салоҳиятини белгилайди. Бу борада ёндашув услуби жуда катта аҳамиятга эга. Қуруқ гап, “қўйинни пуч ёнғоққа тўлдириш”, мурожаат ечимига беписандлик, масаланинг моҳиятини англамаслик эса тизим обрў-эътиборига путур етказади.

Тошкент шаҳри Халқ қабулхоналари ҳар бир мурожаатнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаган ҳолда ишлаш, ташкилот масъулларини юзаки муносабатлардан узоқлаштириш, мурожаатчини эътиборсиз қолдирмаслик борасида режали, тизимли фаолият юритмоқда.

Виртуал ва Халқ қабулхоналарига 2025 йил апрель ойига қадар аҳоли томонидан келиб тушган мурожаатлар сони 2024 йилнинг мос даврига нисбатан бирмунча камайишига эришилди. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, қайси жабҳада мурожаатлар ечим топмаётган бўлса, ушбу йўналишларда оммавий ва сайёр қабулларни кўпайтириш самарали натижа бермоқда.

Хусусан, мавжуд 585 та маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайёр қабуллар чоғида 41 мингдан ортиқ мулоқот ўтказилиб, қарийб 12 мингта муаммо аниқланди ва шундан 5 мингга яқини мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилди. Шунингдек, ечими маблағ ва вақт талаб этадиган мураккаб масалалар туман, шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари томонидан назоратга олинди.

Жумладан, 10 апрель куни мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Олмазор туманидаги 63-оилавий поликлиникада ташкил этилган сайёр қабулда ногиронлиги бўлган 7 мурожаатчига электр қуввати билан ҳаракатланувчи ногиронлик аравачаси, 5 нафарига овоз кучайтирувчи қулоқчин берилиши таъминланди. Шунингдек, юриш имконияти чекланган, кам таъминланган, кўп болали 1-гуруҳ ногиронларидан 10 нафарига моддий ёрдам ва озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Халқ қабулхоналари ўтказиб келаётган тадбирлар самарадорлигидан келиб чиқиб, кўп ташкилот ва муассасалар ҳамкорликда ишлаш таклифини билдирмоқда. Масалан, Тошкент давлат юридик институти ўқитувчи ва талабалари Яккасарой тумани Халқ қабулхонасида бўлиб, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, сайёр қабулларга тайёргарлик кўриш ва бошқа амалий тадбирлар билан яқиндан танишди, шу тариқа тажриба алмашиш йўлга қўйилди.

Бир нечта корхона ва ташкилотларда фуқаролар учун ташкил этилган Халқ қабулхоналари фаолият кўрсатмаяпти. Аниқланган шу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли амалий чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Тан олиш лозим, келиб тушган мурожаатлар сони ўтган йилдагидан анча камайган бўлса-да, такрор ва қайта-қайта мурожаат этувчи фуқаролар борлиги ташвишли ҳолдир. Шундай муаммолар борки, уларни тез муддатларда ҳал этиш қийин кечади, сабаби масала ечими муайян вақт ва тегишли ташкилотлар билан ўрганишни талаб этади. Бу тоифадаги мурожаатларни ҳал этиш мақсадида ҳар бир мурожаатчи билан алоҳида, кўп маротаба мулоқот қилишга тўғри келади. Ана шу усулда ишланиши натижасида такрор ва кўп мурожаат этувчи фуқаролар сони ўтган йилдагидан камайишига эришилди.

Тааллуқлилиги бўйича юқори идора раҳбарлари шахсий қабулини сўраган фуқаролар билан олиб борилаётган ишлар яхши самара бермоқда. Шу вақтгача оммавий сайёр қабуллар узоқ вақт кутилар, рўйхатлар шакллантирилиб, фуқаролар тегишли раҳбарлар қабулига йўналтирилар, натижада масаланинг ҳал бўлиши чўзилиб кетарди. Энди қулайлик яратиш мақсадида мурожаат мазмунидан келиб чиқиб, фуқарони тегишли идора раҳбарининг бевосита шахсий қабулига йўллаш тажрибаси самара бера бошлади. Юқори идора раҳбарлари қабулини сўраган мурожаатчилар оқими сезиларли даражада камайди. Ушбу тажриба ўша идора раҳбари томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб, маъқулланаётгани қувонарли ҳол.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси юзасидан Халқ қабулхоналари томонидан ўрганиш олиб борилмоқда. Мақсад ушбу ғоя асосида жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламининг оғирини енгил қилиш, ҳеч бир инсон яккаланиб қолмаслиги, оёққа туриб, ўз йўлини топиб кетишида амалий ёрдамни кучайтиришдан иборат.

Ҳудудларга бириктирилган ташкилот масъуллари индивидуал режа асосида ўз қарамоғидаги оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрмоқда. Албатта, ҳар бир камбағал оилага бириктирилган ташкилот раҳбарлари бу йўналишдаги ишларни хўжакўрсинга, мажбурликдан эмас, балки инсонийлик нуқтаи назаридан, одамларнинг дарду ташвишларига ечим топишдек



шарафли вазифани ҳис этиб фаолият кўрсатиши муҳим.

Ушбу тоифадаги фуқароларга тиббий, моддий ёрдамлар кўрсатилди, индивидуал режа бандларига асосан ижро таъминланмоқда.

Хусусан, Яшнобод туманида яшовчи фуқаро Ф.К. узоқ йиллардан буён юрак хасталигига чалиниб, боқувчиси йўқлиги сабаб даволанишда моддий қийинчиликларга дуч келган. Ушбу масала Халқ қабулхонаси аралашуви билан ижобий ҳал этилди, бемор ордер билан таъминланди.

Шунингдек, Яккасарой туманида яшовчи А.Н., Янгиҳаёт туманида яшовчи Е.Е., Олмазор туманида яшовчи Ҳ.Қ., Шайхонтоҳур туманида яшовчи С.Қ., Чилонзор туманида яшовчи М.М.нинг муаммолари ижобий ечим топди.

Халқ қабулхоналари томонидан 2025 йил куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида мавсумга тайёргарлик ишлари йил бошиданоқ бошлаб юборилди. Пойтахтдаги барча маҳаллалар, кўчалар, кўп қаватли уйларнинг уйбоши, кўчабошилари билан бевосита мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Ишчи гуруҳ штабига малакали мутахассислар жалб этилган, мавжуд муаммолар аниқланиб, бартараф қилиш учун ваколатли ташкилотларга тақдим этилмоқда. Масалан, Олмазор тумани Мискин маҳалласидаги 6-уй (1995 йилдан буён таъмирланмаган, яроқлилик муддати аллақачон ўтиб бўлган) ертўла-



“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси юзасидан Халқ қабулхоналари томонидан ўрганиш олиб борилмоқда. Мақсад ушбу ғоя асосида жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламининг оғирини енгил қилиш, ҳеч бир инсон яккаланиб қолмаслиги, оёққа туриб, ўз йўлини топиб кетишида амалий ёрдамни кучайтиришдан иборат.

тўла таъмирдан чиқарилди, яроқсиз ҳолга келган оқова сув қувурлари янгиланди.

Тошкент шаҳрида якка-ёлғиз яшовчи фуқаролар учун алоҳида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ушбу тоифадаги фуқароларнинг эҳтиёж ва ҳолатидан келиб чиқиб, моддий ёрдамнинг белгиланган муддатларда жаратилиши, ижтимоий ходим ва поликлиника патронаж ҳамширалари томонидан ўз вақтида хизмат кўрсатилиши доимий равишда ўрганиб борилмоқда. Аниқланган масалалар тегишлилиги бўйича қисқа муддатларда туман ҳокимлиги, тиббиёт муассасалари, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳамда бошқа мутасаддиларга тавсия ва тақдимномалар шаклида йўналтирилмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги Эшонгузар маҳалласида яшовчи 1-гуруҳ ногирони Х.Ш.нинг туғма ногиронлиги бор, алоҳида парваришга муҳтож. У тиббий назоратга олинди, ҳомийлар томонидан ногиронлик аравачаси берилди, доимий равишда озиқ-овқат маҳсулотлари ва нафақа пули билан таъминланди. Сергели туманида яшовчи В.Н.га жарроҳлик амалиёти учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 45 миллион сўм, шу туманда яшовчи М.З.нинг фарзандини даволатиш учун 16,5 миллион сўм ажратилди.

Маҳаллаларда фаолият юритаётган “еттилик” зиммасига кенг қамровли вазифалар юкланган ва бу бежиз эмас. Албатта, муаммоларни тез, сифатли, жойида ҳал этиш улар зиммасидаги энг муҳим вазифа. Афсуски, баъзида беҳуда тадбирбозлик уларга юклатилган вазифалар бажарилишида жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Маҳаллалардаги “еттилик” фаолияти самараси беҳуда мажлисбозликда эмас, балки ўз ҳудудидаги аҳоли муаммолари ечимида экани тушунтирилмоқда.

Халқ қабулхоналари фаолияти тажрибасидан келиб чиқиб, 2025 йилда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратяпмиз:

— аҳоли муаммоларини аниқлашда тезкорлик, “маҳалла еттилиги” билан амалий ҳамкорлик, идора ва ташкилотларда мурожаатлар бўйича ишловчи ходимлар билан ўқув-семинар машғулотлари ўтказиб бориш, мурожаатларни белгиланган муддатларда кўриб чиқиш, такрор мурожаатлар келиб тушишининг олдини олиш;

— Халқ депутатлари кенгашлари билан ҳамкорликни доимий йўлга қўйиш, аҳолини қийнаб келаётган глобал муаммоларни ахборот тарзида кенгашларга киритиш ва назоратини таъминлаш;

— ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, ишсиз аҳоли вакилларини иш билан таъминлаш ва камбағалликдан чиқариш.

Дарҳақиқат, ҳар қандай муаммо ҳеч қачон ўз-ўзидан вужудга келмайди, балки эътиборсизлик, масъулиятсизлик туфайли йиллар давомида йиғилиб боради. Шунинг учун муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, “касални яширсанг, иситмаси ошкор қилиши”ни кутмай, тегишли чоралар кўриш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ташкилот ва идораларда фуқаролар қабули жадвалига қатъий риоя этилиши, масала ва муаммолар ечимининг ўз вақтида қатъиятлилик билан ҳал қилиниши, одамларга қулоқ тутилиши жуда катта аҳамиятга эга.

Зеро, одамларни рози қилиш сиёсати, ҳеч шубҳасиз, эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал туфайли юзага келади, шаклланади.

Тоҳир МУЛЛАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳри Халқ қабулхонаси мудири



МАГИСТРАТУРАДА МАҚБУЛЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ

БУ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Янги тизим

Мамлакатимиз олий таълим тизимида жорий йилдан бошлаб амалиётга киритилаётган муҳим янгиликлардан бири магистратура босқичида сиртқи таълим шаклининг мақбуллаштирилган (мослаштирилган) ва масофавий форматларга алмаштирилишидир. Гап шундаки, Президентимизнинг 2025 йил 5 майдаги “Таълим сифатини таъминлаш ва таълим хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб мақбуллаштирилган кундузги таълим ва масофавий ўқиш тизими жорий этилмоқда.



Сардор ДОНАЕВ,
физика-математика фанлари доктори, профессор

Бу ислоҳот давр руҳини акс эттириш билан бирга таълим сифатини ошириш, талабалар учун тенг имконият яратиш, энг асосийси, илм-фан билан ишлаб чиқариш ўртасида реал интеграцияни таъминлашга хизмат қилади. Янги модель, биринчи навбатда, иш билан банд, аммо илм олишга интилаётган ёшлар учун катта қулайлик беради. Энди талабалар дарсларда қатнашиш билан бирга ишини давом эттириши, илмий изланишларини амалий муҳитда олиб бориши мумкин.

Мақбуллаштирилган таълим шакли ҳафтанинг фақат муайян кунларида дарс ўтиладиган, қолган вақт мустақил ва масофавий ишланадиган аралаш форматдир. Унда ўқув юкламаси интенсивлаштирилади. Зарур билим қисқа муддатда чуқурлаштирилган тарзда берилади. Ишлаётган мутахассислар таълим олишда давом этади. Реал ҳаётдаги муаммо ва амалиёт билан бевосита алоқадор тадқиқотлар қилинади. Таълимнинг ушбу янги модели “иш ва илмни уйғунлаштириш” концепциясини шакллантиради.

Мақбуллаштирилган ва масофавий таълим шаклларидан халқаро миқёсда кенг фойдаланилади. Айрим давлатларнинг бу борадаги тажрибаси Ўзбекистонга иқтисодий ва ижтимоий шароитларга мослашган илғор ёндашувларни қабул қилиш имконини бермоқда. Масалан, Германияда “duale Masterprogramme” деб номланувчи икки томонлама магистратура дастурлари кенг оммалашган. Бу моделда талаба ҳафтанинг муайян кунлари дарсларда қатнашади, қолган кунлари эса шартнома асосида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида ишлайди. Талабанинг ўқув харажати кўпинча иш берувчи томонидан қопланади. Бу уч томонлама — университет, иш берувчи ва талаба ўртасидаги шартнома асосида шаклланади. Ушбу модель назарий билим ва амалий тажрибани уйғунлаштиради. Диссертация эса айнан иш жойидаги реал муаммоларга асосланади.

Жанубий Кореяда кечки магистратура дастурлари кенг тарқалган. “Evening Graduate School” номи билан танилган бу тизимда дарслар одатда соат 18:30 дан кейин бошланади. Талабалар кундузи ишлайди, кечки пайт университетга боради ёки баъзида онлайн дарсларда қатнашади. Айрим университетлар аралаш таълим (hybrid learning) шаклини ҳам таклиф этади. Бунда назарий дарслар масофавий, амалий машғулотлар эса тўғридан тўғри ўтилади. Бу ерда ҳам диссертация мавзулари иш жойидаги тажрибага асосланади. Баҳолаш мезонлари эса ўқишга қатнашиш, мустақил топшириқлар, лойиҳа ишлари ва якуний имтиҳонларни ўз ичига олади.

АҚШнинг кўплаб университетларида магистратура босқичи “Part-Time Graduate Programs” сифатида ташкил этилади. Яъни талабалар ҳафтасига бир-икки кун кечки ёки дам олиш кунларидаги дарсларда қатнашади. Таълим жараёни одатда интерактив



форматда — кейс-стадилар, гуруҳли лойиҳалар, тақдимотлар асосида олиб борилади. Онлайн таълимни қўллаб-қувватлаш учун университетларда Learning Management System (LMS) платформалари, масалан, Canvas yoki Blackboard фаол ишлатилади. Кўплаб иш берувчилар магистратурада ўқиш харажатини тўлаб бериш орқали ходимларини рағбатлантиради. Баҳолаш тизими ўқув юкламаси, иштирок, назорат ишлари ва якуний лойиҳа асосида амалга оширилади.

Буюк Британияда эса таълимнинг “Flexible Learning” модели мавжуд. У одатда аралаш, яъни “blended learning” шаклида ташкил этилади. Бунда дарсларнинг 60 фоизи масофавий, 40 фоизи юзма-юз шаклда ташкил этилади. Талаба дарслар платформаси исталган вақтда кириб, лекцияларни кўриб чиқиши ва топшириқларни топшириши мумкин. Юзма-юз машғулотлар эса семестр давомида бир неча марта интенсив йиғилиш шаклида ўтказилади. Баҳолаш лойиҳа ишлари, портфолиолар ва онлайн тестлар орқали амалга оширилади. Бу модель чекка ҳудудлардаги ёки хорижда ишлаётган инглиз фуқаролари учун, айниқса, қулайлик яратмоқда.

Шундай қилиб, мақбуллаштирилган ёки мослашувчан магистратура дастурлари талабанинг иш фаолияти билан ўқишини уйғунлаштириш, таълим харажатларини камайтириш, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш ҳамда таълимни ҳаётга яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Бу тажриба Ўзбекистон учун ҳам долзарб. Янгича ёндашув замонавий меҳнат бозори талабларига мос. Ёшларга ўзгарувчан ҳаёт шароитига мослашиб, шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўқиш имконини беради. Қандай қилиб?

Биринчидан, мақбуллаштирилган таълим шакли ишлаётган ёшлар учун катта қулайлик яратади. Улар ишини давом эттирган ҳолда, ҳафтанинг муайян кунларида дарсларда қатнашиши мумкин. Шу тариқа талабалар ўқиш ва ишни мувофиқлаштириб, амалиётда юзага келган муаммоларни илмий ёндашув билан ҳал қилишни ўрганади.

Иккинчидан, бу формат талабанинг вақт ва жой мустақиллигини таъминлайди. Яъни бевосита талабанинг иш жойи ёки фаолият соҳаси билан боғланган ҳолатда ёзилади. Бу эса уларнинг илмий ва касбий салоҳиятини оширади.

Тўртинчидан, мақбуллаштирилган шаклда ўқиш харажатни камайтиради. Доимий даромад манбаига эга талаба молиявий мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда сифатли таълим олишда давом этади.

Бешинчидан, ушбу модель орқали талабалар орасида ижтимоий тенглик ва имкониятлар мувозанати таъминланади. Яъни турли ижтимоий қатламдаги ёшлар, хусусан, оила бошлиқлари, ногиронлар ёки хориждан қайтиб келган юртдошларимиз ҳам ўқишни давом эттириши мумкин.

Шу билан бирга, мазкур моделнинг самарадорлигини ошириш, талаба эҳтиёжлари ва меҳнат бозори талабларига тўлақонли мослигини таъминлаш учун айрим жиҳатларга эътибор қаратиш зарур деб ўйлаймиз. Жумладан, Германия тажрибаси асосида университет, иш берувчи ва талаба ўртасида уч томонлама шартнома моделини йўлга қўйиш зарур. Бу орқали талабалар ўқиш билан бирга ишлаб, амалиётда реал билим ва кўникма ҳосил қилади. Айниқса, педагогика, муҳандислик, IT ва иқтисодиёт каби йўналишларда бу самарали бўлади.

Масофавий таълим сифати платформанинг функционаллиги ва интерактивлигига боғлиқ. Шу боис, миллий рақамли таълим платформаси (masalan, LMS — Learning Management System)ни ишлаб чиқиш ёки мавжуд тизимларни замонавийлаштириш муҳим. Платформаларда лекция видеолари, тестлар, топшириқлар ва илмий тадқиқотлар бўйича форумлар бўлиши керак.

Иш берувчилар ходимларининг ўқишини қўллаб-қувватлаши учун солиқ имтиёзлари ёки субсидия механизмлари жорий этилиши мумкин. Бу ходимлар малакасини оширишни рағбатлантириб, корхоналар билан олий таълим ўртасидаги алоқани мустаҳкамлайди.

Магистратура дастурлари ишлаб чиқаришдаги реал муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳар бир факультетда саноат, бизнес, давлат сектори билан ҳамкорлик асосида амалий курслар ва лойиҳа топшириқлари ишлаб чиқилиши лозим.

Таълимда тенгликни таъминлаш мақсадида масофавий магистратура доирасида имконияти чекланган гуруҳлар (аёллар, ногиронлар, мигрантлар) учун давлат томонидан махсус квота, стипендия ёки имтиёзли кириш тартиби белгиланиши мумкин.

Мақбуллаштирилган таълимда ҳар бир талабанинг магистрлик диссертацияси иш жойидаги ёки жамиятдаги муаммоларни ечишга қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун менторлик тизими жорий этилиши керак.

Булар Ўзбекистоннинг глобал таълим майдонида кучли ўринга эга бўлишига хизмат қилади. Бинобарин, бугунги ислоҳотлар марказида инсон капитали турибди. Магистратура босқичининг мослаштирилган шакли замонавий иқтисодиётга тайёрланган, мустақил фикрловчи, фаол ва инновацион ёшлар авлодини тарбиялаш воситасидир. Бу тажриба Ўзбекистонда таълимга нечоғлик устувор эътибор қаратилаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

МАСЪУЛИЯТ ВА ЮКСАК МАҚСАД

ДАВР ШИДДАТИДАН ИЛДАМ БЎЛИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Нуқтаи назар

Бугун жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёни, техника тараққиёти тобора илғорлаб кетаётгани ҳар биримиздан кечагидан кўра тезроқ, илдамроқ ҳаракатланишни талаб этади. Бу, айниқса, муҳандислик соҳасига кўпроқ тегишли.

Президентимиз 2024 йил 20 июнь куни муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада муҳим вазифаларни белгилаб берган эди. Натижада муҳандислар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари оптималлаштирилди. Уларнинг нуфузли саноат корхоналари билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди. Истиқболли дастурлар тузилди. Мақсадлар қатъийлашди.



Шерзод НЕЪМАТОВ,
физика-математика фанлари доктори, профессор

Қарши давлат техника университети ташкил этилишини ҳам ушбу янгиланишлар меваси дейиш мумкин. Президентимизнинг 2024 йил 10 декабрдаги “Қарши давлат техника университетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали ҳамда Тошкент кимё-технология институтининг Шаҳрисабз филиали негизида Қарши давлат техника университети ташкил этилди. Шунингдек, университетнинг вазифалари, ҳуқуқлари, фаолият йўналишлари ҳам қарор асосида аниқ-тиниқ белгилаб берилди. Университет фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

Қашқадарё Ўзбекистоннинг жанубидаги саноати ривожланган ҳудуд. Шундан келиб чиқиб, университетимизда асосий эътибор муҳандислик, геология, ишлаб чиқариш, қурилиш, транспорт, энергетика, ахборот технологиялари ва дастурлаш, хизмат кўрсатиш ҳамда ирригация тизимлари, агротехнологиялар соҳалари бўйича кадрлар тайёрлашга қаратилади. Шу боис, йирик корхоналар билан ҳамкорлигимиз ҳам айнан кадрлар тайёрлаш жараёнига боғлиқ. Масалан, корхоналар талабаларимиз Беларусь миллий техника университети ҳамкорлигида “2+2” таълим дастури асосида таҳсил олмоқда. Шу кунга қадар бу йилги битирувчиларни ҳам ҳисобга олганда, 100 га яқин йигит-қиз ўқишни тамомлаб, ҳар икки университет дипломига эга бўлмоқда.

Иккинчидан, талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг саноат корхоналарида малакавий амалиёт ҳамда стажировка ўташини йўлга қўйиш ҳам самара беради. Натижада янги ўқув қўлланмалар, янги авлод дарсликлари яратилади. Илмий тадқиқот ишлари синови замонавий лабораторияларда ўтказилади. Амалий ва фундаментал илмий тадқиқот ишлари ҳамда инновацион лойиҳаларнинг самарадорлиги ошади.

Шу ўринда бир жиҳатни асло унутмаслик керак. Шарқ маънавияти таълим-тарбиянинг узвийлигига асосланган. Бугунги ёшлар дунёга нафақат билими, тажрибаси, балки юксак маънавий-ахлоқий фазилатлари билан ҳам ўрнак кўрсатиши керак. Китобхонлик танловлари, турли маънавий-маърифий тадбирлар, тарихий шаҳарларга саёҳатлар ана шу мақсадга хизмат қилади.

Илғор муҳандис — етук мутахассис

Университет ва “Шўртан газ-кимё мажмуаси” МЧЖ ҳамкорлигида **“Газ-кимё ва энергетика” илғор муҳандислик мактаби** ташкил этилган. Унда “тармоқ — корхона — олийгоҳ” тамойили йўлга қўйилди. Бу мактаб соҳада кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларнинг муҳим драйверига айланди.

Илғор муҳандислик мактабининг асосий мақсади ҳамкорлар эҳтиёжи ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини ҳисобга олган ҳолда юқори ва кўп тармоқли технологияларни ўзлаштиришга қодир, креатив фикрлайдиган, рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқадиган муҳандис-тадқиқотчи малакасига эга янги авлод кадрларини тайёрлашга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, мактабнинг ўқув-услубий таъминоти жаҳондаги етакчи 300 университет, жумладан, Малайзиянинг Петронас технологиялар университети, Германиянинг Дрезден техника университети, Россиянинг Томск политехника университети чуқурлаштирилган модулли ўқув дастурлари, ўқув режалари, хорижда чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар, илғор педагогик технологиялар асосида шакллантирилди.



Танлов асосида 23 нафар 1-босқич магистранти ушбу мактабга олинган. Улар нефть ва газни қайта ишлаш технологияси, электр таъминоти ва кимёвий технология бўйича мутахассислар этиб тайёрланади. Магистрлар дастлабки йилда корхоналар буюртмаси асосида янги маҳсулотларни лойиҳалаштириб, илмий изланишлар ўтказади. Ўқув дастурига “Таннарх муҳандислиги”, “Қиёслаш муҳандислиги” махсус модуллари киритилди.

Иккинчи йилда эса янги маҳсулотлар бўйича тажриба-конструкторлик намуналарини яратиш билан боғлиқ технологик жараёнлар корхоналарда синовдан ўтказилади. Янги технологиялар ва илмий-техник ечимлар яратилиб, жорий этилади.

Мактаб фаолиятида хориж тажрибасини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда институтнинг икки нафар профессор-ўқитувчиси Томск политехника университетининг илғор муҳандислик мактаби фаолиятини яқиндан ўрганиб қайтди.

Таълимнинг ҳам институтда, ҳам корхонада олиб борилаётгани магистрларнинг амалиёт имкониятини оширмоқда. Қолаверса, улар илмий тадқиқот ишларини бевосита заводдаги лабораторияларда бажармоқда. Шундай қилиб, 2025-2026 йилларда 20 дан ортиқ магистрлик ва 3 та докторлик диссертацияси ёқланади, 2 та инновацион ишланма ишлаб чиқаришга жорий этилади. Шўртан газ-кимё мажмуаси ва университет олимлари ҳаммуаллифлигида 2 та илмий ихтирога талабнома топширилади. 10 дан ортиқ мавзуда илмий технологик муаммоларнинг муҳандислик ечими ишлаб чиқилмоқда.

Лабораториялар фабрикаси

Олий таълим муассасасининг асосий вазифаси талабага мутахассислиги бўйича йўналиш бериш, малакасини ошириш ҳамда илмий фаолият билан шуғулланишдир. Тараққий этган университетлар фақат билим бериш билан чекланмайди. Айниқса, техникага ихтисослашган олийгоҳлар бугун эътиборини рақамлаштириш, сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш, масофавий таълимни жорий этиш кабиларга қаратмоқда.

Муҳандислик соҳасида ёш олим ва талабаларнинг бизнесга йўналтирилган инновацион ғояларини бозорга тайёр маҳсулот сифатида етказиш катта аҳамиятга эга. Шу боис, ишланма ва лойиҳаларнинг тажриба нусхалари ҳамда прототипларини яратиш ҳамда синовдан ўтказиш учун “Устахона-Fablab”, 3D лойиҳалаш ва моделлаштириш ҳамда кичик ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилмоқда. Натижада ёш олим ва талабалар ишли бўлади. Вилоятдаги илмий-техник лойиҳаларни бошқариш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи корхоналар билан самарали ҳамкорлик ўрнатилиб, илмий-инновацион ишланмалар фаол тижорийлаштирилади.

Бундан ташқари, университет ҳузурида энергетика соҳаси учун сунъий интеллект ва рақамлаштириш, инжиниринг, ишлаб чиқариш муаммолари ечимига қаратилган илмий-инновацион ишланмаларни яратиш ва тижорийлаштириш йўналишида **“Яшил энергетика ва интеллектуал энергетик тизимлар” илмий-тадқиқот маркази** ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Бу ерда энергетикани ривожлантиришга қаратилган интеллектуал энергетик тизимлар, қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергиятежамкор технологиялар, қурилмалар, саноат иссиқлик энергетикаси, сунъий интеллект ва рақамли энергетика йўналишларида илмий изланишлар олиб борилади. Илмий тадқиқот ишлари нуфузли хорижий илмий марказлар, Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-текшириш институтлари ва соҳа корхоналари билан ҳамкорликда ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини ишлаб чиқаришга қаратилмоқда. Бунда илмий ишланмалар “тармоқ — корхона — олийгоҳ — илмий-тадқиқот институти” занжири асосида тижорийлаштирилади. Бу борада Нишон Қуёш фотоэлектр станцияси, Талимаржон ИЭС, Муборак ИЭМ МЧЖ, Қашқадарё электр тармоқлари корхоналари билан ҳамкорликда фаолият юритилмоқда.

Ўзгаришлар, аввало, ўзимиздан бошланиши керак. Давр шиддати кутиб турмайди. Бугун ким бир қадам олдинда бўлса, ютуқ уники, муваффақият уники. Бугунги муҳандис креатив фикрлайдиган, илм ва ишлаб чиқариш йўлида ижод қила оладиган, янги маҳсулотлар ишлаб чиқадиган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам дарсликларимиз, ўқув-услубий қўлланмаларимиз, дарс ўтиш кўникмаларимиз, дунёқарашимиз мутлақо янгича бўлиши шарт. Буларнинг барчасига масъулият, азму шижоат ва аниқ мақсад билан эришамиз.







ҲАЁТ СИФАТИ ВА ДАВОМИЙЛИГИ УНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ

Вақт жуда тез ўтади. Иш, уй, болалар тарбияси... Гўё ташвишларнинг ниҳояси йўқдек. Жисмоний тарбия билан шуғулланишга вақт қайда дейсиз? Аммо баъзан соғлом турмуш тарзини ихтиёр этган, эрта тонгдан юриш, югуриш билан шуғулланаётганлар, боғларда, майдончаларда машқ қилаётганларни кўрганда кўнгилда бир зум бадантарбия билан шуғулланиш ҳаваси уйғонади. Ҳаракатнинг инсон саломатлиги, ҳаёт сифати, руҳий ва жисмоний ҳолатига ижобий таъсири ҳақида ортиқча таъриф шарт эмас. Бугун камҳаракатлилик натижасида юзага келаётган турли касалликлар ва оғир асоратларни кўз олдингизга келтирсангиз, саломатлик аталмиш бебаҳо неъматни асраб-авайлаш. мустаҳкамлаш зарурати қанчалар муҳимлиги ўз-ўзидан аён бўлади.



Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш, камҳаракатликка қарши оммавий курашиш жамият саломатлигини таъминлашда муҳим омиллардан. Юртимизда бу борада эътиборга молик ишлар қилиняпти. Маҳаллалар, боғлардаги йўлаклар, спорт майдончалари соғлом турмуш тарафдорлари билан тобора тўлиб бораётгани кўнгилга таскин берса-да, бу ҳали етарли эмас. Аҳолининг барча қатлами ҳам жисмоний тарбиянинг инсон саломатлигидаги аҳамиятини чуқур англаб етаётгани йўқ. Ваҳоланки, ҳаёт сифати ва давомийлиги инсоннинг турмуш тарзи, жисмоний фаоллиги, овқатланиш маданияти ва руҳий-эмоционал ҳолатига боғлиқ экани бугун барчага маълум.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчиси, психология фанлари бўйича фалсафа доктори Даврон НАЗАРОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— “Спорт халал бермайди, аксинча, иш унумдорлигини оширади”. Кейинги пайтларда шу гапни кўп эшитяпмиз. Айтингчи, иш унумдорлиги учун қайси омиллар муҳим?

— Сўнгги йиллардаги психологик тадқиқотларга кўра, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш нафақат танани, балки онгни ҳам тарбиялайди. Айниқса, иш самарадорлигининг ошиши, диққат, руҳий барқарорлик ва креатив фикрлаш каби кўникмалар шаклланишига ижобий таъсир қилади. Ҳар куни жисмоний машқлар бажариш ёки спорт билан шуғулланиш организмни бақувват қилади. Инсон ўзини серғайрат, тетик ва фаол ҳис этади. Натижада кўпроқ вазифани қисқа вақтда бажариш мумкин. Масалан, югуриш, сузиш ёки бошқа спорт турлари билан шуғулланган одамлар эътиборини муайян вазифага қаратиш, ташқи омиллардан чалғимасликни ўзлаштиради. Бу кўникма эса иш муҳитида жуда зарур.

Бугун кўп ташкилотларда спорт билан шуғулланишга шароит яратилмоқда. Автомобилсиз кун оммалашмоқда. Пиёда юриш рағбатлантириляпти. Бу бежиз эмас. Мунтазам жисмоний фаоллик чидамлиликни, қувватни оширади, юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлайди. Метаболизмни меъёрлаштиради ва гормонал мувозанатни тартибга солади. Натижада одамнинг ташқи кўриниши кўркам бўлиб, ўзини яхши ҳис қилади.

Спорт қувонч гормонлари синтезини рағбатлантиради. Машқ қилиш энг яхши антидепрессант вазифасини бажаради. Мунтазам жисмоний машқлар кайфиятни яхшилайди, депрессия ва ташвишларни енгиллаштиради. Миянинг қон таъминотини меъёрлаштириш орқали когнитив жараён яхшиланади. Инсон янада бақувват бўлади. Бу ўз-ўзидан иш унумдорлигини оширади.

— Спорт машғулотларига вақт ва куч топа олмаган одам нима қилиши керак?

— Истагимиз бўлиши мумкин, аммо биз уни амалга ошира олмаймиз. Машғулотлардаги қийинчиликлар кўз ўнгимизга келади. Шунда биз онгли равишда шуғулланишдан чекинамиз. Яъни баҳона қидира бошлаймиз. Бундай шароитда нима қилиш керак? Биринчи навбатда, профессионал спорт билан ҳаваскор спортнинг ўрнини ажрата билиш лозим. Ҳафтанинг бўш кунида умумий ривожланишга ҳисса қўшадиган енгил машғулотлар билан шуғулланиш, ҳар куни эрталаб 15 дақиқа машқлар бажаришни одат тусига киритиш зарур. Юкламалар ҳажмини секин-секин ошириш мумкин. Ҳафтада бир кун машғулотга боринг, икки кун дам олинг. Яна бир кун спорт куни ва икки кун дам олиш мумкин. Бу организмни мослаштириб олиш учун керак.

Сизни ўраб турган муҳит иродангиз шаклланишида катта ўрин тутади. Атрофингизда сизни ҳаракатга ундовчи куч бўлса, нур устига нур. Шу кучни топа билинг.

Мутахассисларнинг фикрича, инсон муайян бир ишга, вазиятга, топшириққа, ҳолатга мослашиши учун 2-3 кундан 21 кунгача вақт керак. 21 кун давомида 10-15 дақиқадан секин-аста шу одатни шакллантириб бориш инсоннинг яхши ухлаши, метаболизм жараёни, руҳий ҳолати барқарорлиги, энг муҳими, жисмоний тарбия билан шуғулланиш кўникмаси пайдо бўлишида катта аҳамиятга эга. Ана шунда мақсадга эришамиз.



Биринчи кунги машғулотлардан кейин инсоннинг аъзои бадани оғриши мумкин. Бу зўриқиш кейинги кунлардаги машғулотларга тўсқинлик қилади ва дангасалик деган тушунча пайдо бўлади.

Жисмоний машқлар истиқболи жозибадор, аммо шуғулланишни одатга айлантириш мушкул. Нима қилиш керак?

Олдингизга мақсад қўйинг. Масалан, вазн ташлашингиз керак. Бунга эришиш учун чидамлиликни оширинг. Мақсадга эришиш жуда қийин бўлиб туюлса ҳам чекинманг. Асосийси, самимий истак керак.

Ўзингиз ёқтирган спорт турини танланг. Югуришни ёқтирмасангиз, ҳеч ким сизни югуриш йўлакчасига бошламайди. Спорт залида куч сарфланадиган машқ талаб қилинмайди. Жисмоний фаолликнинг бошқа турлари ҳам бор. Масалан, рақс, фитнесс, йога. Ўзингизга ёқадиган машғулотни топиш учун шу дарсларда бир-икки бор қатнашиб кўринг.

Кундалик режангизга спорт билан шуғулланиш учун алоҳида вақт киритинг. Узрли сабабларсиз машғулотларни бекор қилмаслик ёки вақтни ўтказиб юбормасликка ҳаракат қилинг. Янги одатни ривожлантиришга жиддий ёндашинг.

Ўхшаш фикрли одам билан ишлаш рақобат руҳини ривожлантиради. Натижага эришиш учун бир-бирини рағбатлантириш фойдали. Машғулотлардаги шеригингиз ҳам ғайратли бўлиши керак. Акс ҳолда, натижа кутилганидек бўлмайди.

Мунтазам жисмоний машқлар интизом ва ақлий куч талаб қилади. Шунинг учун кўпчилик машғулотлардан чекинади. Агар руҳингиз чўкмаса ва спортни тарк этмасангиз, муваффақиятларингиз учун ўзингизни мақтасангиз бўлади. Машғулотларга одатланиш осон бўлмаслиги мумкин. Биринчи куни мушаклардаги оғриқ дилингизни хира қилади. Иккинчи куни машғулот осонроқ кечади. Бир ой ўтгач, тана босимга тўлиқ мослашади. Агар биринчи машғулотдан кейин ўзингизни ёмон ҳис қилсангиз, машқ қилишни тўхтатманг. Бу сизнинг соғлиғингиз ва ташқи кўринишингиз учун муҳим эканини унутманг.

— Нима учун барча бирдек спорт билан шуғулланишни истамайди?

— Мутахассисларнинг фикрича, инсон бир кунда ўртача саккиз соат иш билан машғул бўлса, шунинг бор-йўғи икки-уч соатидагина юқори самарадорликда ишлаш имкони бўлади. Айнан шу икки-уч соатнинг самарадорлигини ошириш учун жисмоний машғулотлар билан мунтазам шуғулланишга вақт ажратиш лозим.

Барча спорт турида натижага эришишда ҳаракатга ундовчи куч, ирода, сабр-тоқатнинг аҳамияти катта. Бу қатъий тартиб билан юзага келади. Ҳозир айрим ёшлар муайян муддат машғулотга қатнаганидан сўнг юқори натижаларга эришгиси келади, чемпион бўлишни истайди. Лекин бунга йиллар давомида эришилади. Кўпчиликда дангасалик ва иродасизлик қисқа муддатда спорт натижалари яхшиланиб кетишини хоҳлашдан бошланади. Муайян тартибга мослаша олмайдиганлар спортни тарк этиб кетади. Яъни бу инсондаги ироданинг сустлигидан келиб чиқади. Баъзилар саломатлиги ёмонлашса ва тиббиёт ходимлари нажот жисмоний машғулотларда эканини тавсия этсагина, мажбур бўлиб, ўзўзидан спорт билан шуғуллана бошлайди.

Катта спортни-ку қўяверинг, кундалик енгил жисмоний машқлар билан шуғулланишни истамаётган юртдошларимиз ҳам талайгина. Улар эртами-кечми соғлом ота ёки онадан соғлом фарзанд дунёга келишини тушуниб етишига умид қиламиз. Пандемия пайтида ўтроқ ҳаёт кечирган, метаболизм яхши бўлмаган инсонларда касаллик оғирроқ кечгани ва асоратлар қолдирганини кўрдик. Жисмоний машқлар билан шуғулланган, организмни, метаболизмни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кўрганларда касалликка қарши кураш осон кечди. Иммунитети кучли инсоннинг иродаси ҳам мустаҳкам бўлади. Иродаси мустаҳкам инсоннинг дунёқараши эса шунга монанддир. У қийинчиликлардан чўчимайди, олдинга ҳаракат қилади.

— Ҳозирги тезкор даврда спорт машғулотлари учун вақт ажратиш муаммо. Ишларни тақсимлаш ва машғулотларга қандай вақт ажратиш мумкин?

— Биз ўзимиз қизиққан ҳамма нарсага вақт топишимиз мумкин. Жумладан, спорт машғулотлари учун ҳам. Бу мақсаднинг аниқлиги ва мотивацияни кучайтириш билан боғлиқ.



> **Спорт ва жисмоний фаолликнинг инсон руҳияти ҳамда иш унумдорлигига ижобий таъсирини нафақат далиллаш, балки одамлар онгига сингдириш зарур. Бу борада таълим ва тарғиботнинг ўрни алоҳида. Шунингдек, спорт билан мунтазам шуғулланадиган ва шу орқали муваффақият қозонган шахслар билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил қилиш лозим. Улар машҳур тадбиркор, санъаткор, олим ёки орамиздаги оддий одамлар бўлиши мумкин.**

Спорт билан шуғулланиш кўпчилик ёшларга малол келаётгани бор гап. Лекин улар ижтимоий тармоқларга жуда кўп вақт сарфлайди. Ҳатто муккасидан кетган ҳолатларни ҳам учратяпмиз. Савол туғилади: нега улар ижтимоий тармоқларга кўп вақт сарфлайди-ю, спорт билан шуғулланишга вақти бўлмайди. Чунки компьютер ўйинлари даромад манбаига қаратилган. Муайян қийинчиликлар йўқ, фақат кўнгилхушликдан иборат.

Машғулотларга вақт ажратишга қарор қилганингиздан сўнг бўш вақтни белгилаб олиш зарур. Бунинг учун энг қимматли вақтингиз нимага сарфланаётганини яна бир бор кўриб чиқиш керак. Вақтни уч кун кузатиб боринг.

Ҳар куни уйғонганингиздан кейин телефонингиз уйғоткичига ҳар икки соатда қўнғироқ чалиш тартибини ўрнатинг. Қўнғироқ чалинганида ўтган икки соатда нима иш қилганингизни ёзиб боринг. Вақтингизни оқилона бошқаринг. Ушбу босқичда сиз кунлик вазифалар рўйхатини ёзиш ва энергия сарфлайдиган вазифаларни тақсимлашни одат қилишингиз керак.

Масалан, мураккаб муаммони ҳал қилиш учун эрталаб бир соат ва кечқурун икки соат вақт сарфлайсиз. Яъни ярим тундан кейин уч соат ичида қиладиган ишни эрталаб соат 7 дан 12 гача бир ёки икки соатда бажариш мумкин.

Одатда кун давомида вақтимиз нотекис тақсимланади. Соат 9:00 дан 12:00 гача ақлий қувват етарли, аммо тахминан 14:00 дан 17:00 гача ишга киришамиз. Бунда иш унумдорлиги сезиларли бўлмайди. Бу вақтда қисқа танаффус қилиш фойдадан холи эмас.

Ишлаш истаги кўпинча кечқурун пайдо бўлади, аммо бу вақтда иродангиз кучи аллақачон тугайди. Сиз ниманидир ўрганишингиз мумкин, аммо самарали қарорлар қабул қилишингиз даргумон.

Танангизга қулоқ тутинг ҳамда ушбу ҳис асосида машғулот ва тикланиш учун вақтингизни режалаштиринг.

Кунларни ўтказиб юбормаслик учун аввалига минимал ҳаракатлар керак. Одатларни шакллантириш жараёнида бир кунни ўтказиб юбориш сизни бир ҳафта орқага қайтаради ва кетма-кет икки кунни ўтказиб юбориш циклни қайтадан бошлаш кераклигини англатади.

Қийинчиликлардан қўрқманг. Мутахассисларнинг фикрича, айнан қийинчиликлар инсонни катта мақсад сари бошлайди. Ҳар куни тақвимингизда машғулотни ўтказиб юбормай, машқ қилишингиз кераклигини белгилаб боринг. Бу тартиб иродангизни мустаҳкамлайди.

Шахсий мотивация ва интизом йўқми? Унда жамоа тузинг. Дўстингиз билан суҳбатлашинг, унга ҳар куни ҳисобот беришга одатланинг. Ўтказиб юборилган минимал спорт фаолиятининг ҳар бир куни учун жарима белгиланг. Ушбу одатлар вақтингизни тўғри тақсимлашга ёрдам беради. Ва бугун бошлашингиз мумкин, душанбагача кутиш, байрамни ўтказиб олишнинг зарурати йўқ.

— Спортнинг, жисмоний машғулотларнинг инсон руҳиятига, иш унумдорлигига ижобий таъсирини одамлар онгига сингдиришнинг қандай йўллари бор?

— Спорт ва жисмоний фаолликнинг инсон руҳияти ҳамда иш унумдорлигига ижобий таъсирини нафақат далиллаш, балки одамлар онгига сингдириш зарур. Бу борада таълим ва тарғиботнинг ўрни алоҳида. Шунингдек, спорт билан мунтазам шуғулланадиган ва шу орқали муваффақият қозонган шахслар билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил қилиш лозим. Улар машҳур тадбиркор, санъаткор, олим ёки орамиздаги оддий одамлар бўлиши мумкин.

Иш жойларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, мавжуд ташаббусларни янада оммалаштириш айни муддао. Мактаб ва боғчаларда эрталабки гимнастика, бадантарбия машқлари мунтазамлиги болаларнинг спортни ҳаёт тарзи сифатида қабул қилишига ёрдам беради.

Тизимли машғулотлардан кейин кўриш ва эшитиш яхшиланади, ижобий ҳиссий ҳолат ҳукмронлик қилади, ақлий қобилият сезиларли даражада ошади ва олинган маълумотлар яхшироқ эсда қолади. Бош оғриғи деярли йўқолади, уйқу яхшиланади, саломатлик кўрсаткичлари ошади. Буларнинг барчаси ақлий фаолиятнинг биокимёвий асосини ташкил этувчи мия тўқималарида махсус моддалар — нейропептидларнинг кўпайиши билан боғлиқ.

Шифокорлар ҳар бир беморга ана шу жиҳатларни тушунтириши шарт. Бу ҳам жисмоний машғулотларнинг инсон руҳиятига, иш унумдорлигига ижобий таъсирини одамлар онгига сингдиришнинг самарали усулларидан.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-646.
36191 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 01:35 Топширилди — 02:05

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05